Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 23 декабрь
ЖУМА
№ 291 (4.490).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ЯНА БИР САБОҚ

АГРОСАНОАТДАГИ ҚАЙТА ҚУРИШДАН ОЛИНМОҚДА

Ниҳоясига етаётган йил агросаноат комплекси меҳнаткашлари учун муваффақиятли бўлди, деб айтиш қийин. Шунга қарамай уларнинг ишида сезиларли силжишлар рўй берганлигини пайқаш мумкин. Деҳқончилик ва чорвачилик барқарор ривожланиш йўлига ўтмоқда. Социал-маданий қурилиш суръатлари ўсаяпти. Минглаб колхозлар, совхозлар, қайта ишлаш корхоналари маҳсулот етказиб бериш планларини муваффақиятли бажардилар. Бинобарин, мамлакатнинг бир қатор районларида ҳосилни йиғиб-териб олишда қийин шароит рўй берганига қарамай шунга муваффақ бўлинди. Узоқ турғунлик даврдан кейин бутун-бутун регионлар ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини ўзи маблағ, озиқ-овқат билан таъминлаш йўлига чиқиб олмоқдалар, давлат жамғармаларини кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Шу муносабат билан матбуотда Белгород, Кўкчетов, Целиноград ҳамда бошқа баъзи областлар тилга олиб ўтилди.

Одамлар далалар, фермалар қайтиминнинг ўсишини, юктимоий ўзгаришларни тўғридан-тўғри ва бевосита иқтисодий муносабатларни қайта қуриш билан боғламоқдалар. Ижара, пудрат коллективлари тобора салмоқли натижаларга эришмоқдалар.

Ижара, пудрат ёрдамида экономикани юксалтириш, қишлоқларни яшартириш тажрибаси мамлакатнинг барча зоналарида бор. У яқинда Орёлда бўлиб ўтган кенгашда, КПСС Марказий Комитетидаги учрашувда атрофлича қараб чиқилди. Бироқ аграр секторидаги ишлар аҳволи ҳозиргидан кўра яхшироқ бўлиши мумкин эди. Бир қатор республикалар, областлар давлатдан яна қарздор бўлиб қолдилар. Агросаноатнинг юзлаб корхоналари инқирозга учраган деб эълон қилинди. Масалан, фақат Россия Федерациясининг ўзидагина элликкга яқин хўжалик тўлов қобилиятига эга эмас, уларнинг умумий қарзи 90 миллион сўмдан ортиқроқни ташкил этади. Давлат ҳеч қачон кулфатда қолдирмайди, деган ишонч чуқур илдиз отганлиги, хўжалик юритиш натижалари учун шахсан қатъий талаб қўйилмаётганлиги боқимлик пайдо бўлишига олиб келаётган сабаблардир.

Ҳозир ҳам қишлоқда жуда кўп нарса: техника, материаллар, химиялаш воситалари камчил. Қайта ишлаш базаси оқсамоқда, йўлларимиз ёмонлиги катта зарар етказяпти. Буларнинг ҳаммаси нақд қийинчиликлар бўлиб, улар астасекин бартараф этилмоқда. Бироқ ёмон раҳбарлик қилинаётганлигини, фикрлашдаги эринчоқликни, омилкорлик кўрсатилмаётганлигини назардан қочириш ҳам ярамайди.

Хўжалик ҳисоби, ижара, пудрат нимани билан қимматли? Шунисн биланки, бундай янги усуллар кам маблағ сарфлаб салмоқли иқтисодий натижаларни қўлга киритиш имконини беради. Орёл области меҳнаткашларининг тажрибаси бунн ёрқин исботлаб турибди. Моддий-техника базаси борасида уларнинг бошқалардан ҳеч қандай устунлиги йўқ. Ҳатто кўпгина республикалар ва областлардагига қараганда бирмунча заифроқ дейиш мумкин. Областда мавжуд имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш туфайлигина аграр секторда туб бурилиш ясашга эришилди. Бу тажриба ҳозир ҳаммининг кўз ўнгида намоён бўлиб турибди. Маҳаллий совет, хўжалик органларининг кўпчилик ходимлари бу тажрибани қўллаб-қувватларлари ҳолда ўз нуқталари ва юқори ташкилотларга мурожаатларида бояги-боягидай ресурсларданн «қарашиб юборишн» зарур, деб таъкидлашдан чарчашмаяпти. Фақат шундай бўлсагина регионнинг аграр экономикасидаги аҳволни яхшилай оламиз, дейишмоқда. Хўжалик ҳисоби, ижара, пудрат мавжуд имкониятларга таянган ҳолда ишни олдинга силжитишга ёрдам берадиган дастур эканлигини кўпинча ёддан чиқариб қўйишмоқда.

Тажриба одамлар ўзлари ҳақида чинакамига ғамхўрлик қилинаётганлигини ҳис этишаётган жойдагина ижодий фаоллик кескин ўсаётганлигини кўрсатмоқда. Демак, капитал маблағлар сарфлаш йўналишини дадилроқ ўзгартириш, қишлоқни қайта қуриш қўламларн ва суръатларини ошириб бориш лозим. Турар-жой, мактаблар, касалхоналар, йўллар, савдо ва коммунал-маиший мақсадларга мўлжалланган корхоналарни кўпроқ барпо этиш керак. Бунинг учун имкониятлар топиш мумкин, фақат ресурсларни ҳар тарафга сочиб юбормаслик, балки уларни бир ерга жамлаш, ишлаб чиқариш, социал соҳани ривожлантиришда комплекс фойдаланиш зарур. Уша Орёл областида айнан шундай қилишди, у ерда «Программа 100» белгиланган ва муваффақият билан амалга оширилмоқда. Ундан мақсад иқтисодий заиф, одамлардан бўшаб қолган хўжаликларни қайта оёққа турғизишдан иборат.

Агросаноатдаги қайта қуриш мелиорация, экинлар ҳамда чорвачилик тармоқларини энг мақбул тарзда жойлаштириш, қишлоқни социал ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор муҳим амалий масалаларни кун тартибига қўйди. Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш зарур. Раҳбарлар, мутахассислар янгиликни сезгирлик билан илғаб олишаётган, ўзгарган шарт-шароитни назарда тутган ҳолда ишлашаётган жойлардагина ўзгаришлар кўзга яққол ташланмоқда.

Ижара, пудрат, хўжалик ҳисобига ўтилиши буйруқбозлик-маъмурлаштириш системасини, меҳнат коллективларининг қундалик ишларига асоссиз равишда аралашавериш ҳолларини қатъиян рад этмоқда. Экономикадаги кўпгина камчиликлар, пировард натижаларнинг пастлиги раҳбарлар қисмининг ўзига хос нуқтаи назари билан изоҳланади. Улар бошқарувнинг эскирган усулларидан ҳамон қутула олмаяптилар.

Қишлоқда қиш — худди ёздагидек ишлар қизиган давр. Бир қатор районлар, областлар, республикалардан ем-хашак масаласида танг аҳвол рўй берганлиги, чорва маҳсулдорлиги пасайиб кетганлиги хусусида ташвишли хабарлар келиб турибди. Ҳамма жойда зарур миқдорда озуқа жамғариш учун шарт-шароит бўлган экан, шундай ҳолат рўй бераётганлигини оқлаш мутлақо мумкин эмас. Аҳволни ўнглаш имкони бор: фермаларда ем-хашакни қатъий ҳисоб-китоб қилиб бориш ва ундан самарали фойдаланиш, меҳнатни тўғри ташкил этиш зарур.

Ҳадемай кўклам келиб, экиш-тикиш ишлари бошланиб кетади. Кубань ва Ставрополь, Белоруссия, Украиннинг илғор хўжаликлари амалий жиҳатдан унга шай турибдилар. Бироқ бутун мамлакат бўйича олганда ҳали неча юз минглаб машина ва қуролларни сафга қайтариш, уруғликни лозим даражадаги кондицияга етказиш, ўғитлар, ёнилғини ташиб олиш керак.

Жамики вазифаларни комплекс ҳолда кўра билиш ва ҳал этиш, вазиятни ҳаққий баҳолай олиш, унинг уддасидан чиқиш зарур — булар агросаноатдаги қайта қуриш бераётган яна бир сабоқдир. Уни яхши ўзлаштирган кишиларгина олга томон дадилроқ одим ташлайдилар, мамлакат озиқ-овқат ресурсларини тўлдиришга тобора салмоқлироқ улуш қўшаверадилар.

(«Правда» газетасининг шу йил 22 декабрдаги бош мақоласи).

ИЖАРАГА БЕРИЛМОҚДА

Мирзачўлдаги қурилиш индустриясининг энг катта корхонаси — Янгиердаги Ленин номли қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати таркибига кирувчи босим қувурлари заводини ижарага ўтказишда маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш топшириқларини ўз вақтида бажариш, ходимларнинг юксак малакаси асос бўлди. Янги йилдан комбинатнинг яна иккита заводини ижарага бериш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитетида кенгаш

21 декабрь куни КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари идеология иши масалалари билан шуғулланувчи секретарларининг, ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимлари мудирларининг, оммавий ахборот воситалари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда СССР халқ депутатлари сайловига тайёргарлик муносабати билан партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий иши масалалари муҳокама қилинди. Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. Разумовский кенгашда доклад қилди. Сайловда миллион-миллион қишиларни фаол сиёсий жараёнга жалб қилиш учун очилган имкониятни тўла-тўкис рўёбга чиқариш лозимлиги таъкидланди. КПСС Марказий Комитети 1988 йил ноябрь пленумининг қарорлари бажарилишини, «СССР халқ депутатларининг сайлови тўғрисида»ги СССР қонунига оғишмай риоя этилишини таъминлаш, сайловнинг мусобақалашув механизмидан ҳар томонлама фойдаланиш, сайловчиларнинг ҳақиқатан ҳам ўз хоҳиш-иродасини изҳор этиш учун ҳамма шароитни яратиб бериш муҳимдир.

Янги вазифаларга мос келадиган депутатлар корпусини шакллантириш — сайлов кампаниясининг туб маласидир. Депутатлика номзодларни кўрсатишда инсоннинг ижтимоий-сиёсий тажрибаси, социализм принципларига содиқлиги, давлат фаолиятига мойиллиги, жамиятимизни революцион янгилаш зарурлигига чуқур эътиқоди ва бунга фаол кўмаклашишга тайёрлиги эътиборга олиниши керак. Қайта қуришнинг ҳар бир янги куни жамиятнинг барча қатламларида — ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар орасида, коммунистлар ва партиясизлар, ёшлар ва аёллар орасида мана шундай кишиларни юзага чиқармоқда.

Докладда янги шароитдаги партиявий-сиёсий ишнинг форма ҳамда методлари айниқса батафсил ёритиб берилди. Сайловга тайёргарлик кўриш миллион-миллион партиялилар учун омма орасида фаол ишлаш, ишонтириш, мулоқот усулларини эгаллаш мактаби бўлиб қолиши лозим. Сайловни бир неча номзоддан иборат қилиб ўтказиш тажрибасининг кўрсатишича, партия ташкилотлари сайловнинг демократик воситаларидан фаол фойдаланган, ишни очиқ-ойдин ва ошкора олиб борган тақдирда улар одамларнинг қўллаб-қувватлашида, етилган муаммоларни таҳлил қилиш ва ҳал этишда ютиб чиқадилар. Сайлов жараёнини расмий тус олдириш, ҳамма тадбирларни олдиндан белгилаб қўйиш йўлидаги уринишлар эса, аксинча, тобора кўпроқ янглишишларга олиб боради. Агитация-пропаганда ишининг эскирган сийқа усулларидан қатъият билан воз кечиш, уни социал-хўжалик қурилишнинг аниқ-равшан муаммолари билан, аҳоли ўртага қўяётган долзарб масалаларни ҳал этиш билан чамбарчас боғлаб олиб бориш лозим.

Докладни муҳокама қилишда КПСС Кемерово область комитетининг секретари Л. Л. Савицкая, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари У. Ж. Жонибеков, КПСС Москва область комитетининг иккинчи секретари В. М. Борисенков, Украина, Молдавия ва Ўзбекистон Компартиялари Марказий Комитетлари ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимларининг мудирлари А. И. Корниенко, В. А. Казюлин ва П. В. Догонкин, КПСС Татористон область комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимининг мудири А. П. Долганов, СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг раиси В. П. Орлов қатнашдилар.

Кенгаш пировардида В. А. Медведев сўзга чиқди. Бу галги сайлов кампанияси бизнинг ижтимоий-сиёсий турмушимизда мутлақо янги ҳодисадир, деб таъкидлади у. Сайлов янги принциплар асосида ўтказилаётганлиги учунгина эмас, мамлакатдаги сиёсий ва мафкуравий вазият тубдан ўзгарганлиги учун ҳам шундай дейиш мумкин. Жамиятимиз бундан икки-уч йил аввалгидек жамият эмас — одамларнинг ижтимоий активлиги мислсиз юксалганлиги, ижтимоий фикрни изҳор этишдаги рўй-ростлик, ошкоралик, тараққиётимизнинг долзарб масалаларини муҳокама қилишдаги зўр манфаатдорлик ва фаоллик яққол кўриниб турибди. Мана шуларнинг ҳаммаси — замонамизнинг ўзига хос белгиларидир.

Бўлғуси ишнинг муваффақиятини партия ташкилотлари мафкуравий фаолиятининг мазмуни, теранлиги, фаоллиги кўп жиҳатдан белгилаб беради, бу иш принципиал янги негизда ўтказилиши керак, деб таъкидлади Марказий Комитет секретари. Бу иш қандайдир шиорларни, вазифаларни, даъватларни шунчаки тушунтириб беришдан, у ёки бу номзодларни тарғиб қилишдан иборат эмас, балки у том маънодаги идеология ишидир, бу иш чуқур ва жиддий амалий далил-исботларни, ишонтиришни, қизғин ва баъзан ўткир мунозараларни, фикрларнинг тақосланишини талаб қилади. Бу борада идеология соҳасидаги бор имкониятларимизнинг ҳаммаси, энг яхши пропагандист кучларимиз сафарбар қилиниши лозим. Партия ташкилотлари доимо ҳаёт билан ҳамнафас бўлишлари, ижтимоий фикрнинг ўзгаришини зудлик билан эътиборга ола билишлари ва шунга қараб иш тутишлари, ҳеч қачон ташаббусни қўлдан бермасликлари зарур. Омманинг кайфияти ва психологиясини, одамларнинг бемалол суҳбатлашувига, атрофлича таҳлилга, қайта қуришнинг мураккаб жараёнларини билимдонлик билан тушунтириб беришга сезгирлигини ҳисобга олиш керак.

Идеология ишининг бош мақсади, деб уқтирди В. А. Медведев, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, қайта қуриш ғояларини тушунишни чуқурлаштиришдан ва меҳнаткашлар, бутун аҳоли турли табақаларининг қўллаб-қувватлашини кучайтиришдан иборат. Хотиржамликка ва бепарволикка берилиш учун ҳеч қандай асос йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Қайта қуриш олға сиҳжимоқда, бироқ айни вақтда тобора янгиянги муаммолар, зиддиятлар, қийинчиликларни аниқлаб бермоқда. Қайта қуриш тушунчаси доимо чуқурлаштиришлиги ва вужудга келаётган вазифалар сабот билан амалий равишда ҳал қилиниши керак.

Қайта қуриш йўлидан муттасил ҳаракат қилиш, демократияни чуқурлаштириш, социализм афзалликларини намоён этиш — XIX умумпартия конференциясининг қарорларида белгилаб берилган аниқ партиявий позициямиздир.

В. А. Медведев кенгашда сўзга чиққан кўпчилик нотиқларнинг сайловолди даврида идеология ишининг воситалари ва усулларини танлаб олишда кўпроқ эркинлик бериш, юқоридан ҳамма учун айни бир хил тавсияларни мажбур қилмаслик ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлади. Аммо шу билан бирга, аввалги сайловларнинг фойдали тажрибаси ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Оммавий ахборот воситаларининг, айниқса шаҳар ва район газеталари, маҳаллий радиоэшиттириш, телевидение редакцияларининг ролини кучайтириш муҳимдир. Депутатликка номзодларнинг чиқишларини, телемунозараларни, меҳнаткашларнинг саволларига жавоблар қайтаришни, шу жумладан номзодлар ва уларнинг программалари билан жамоатчиликни батафсил таништириш учун «бевосита эфир»да ўтказиладиган савол-жавобларни ташкил этиш усулидан кенг фойдаланиш керак.

Сайловга тайёргарлик қайта қуриш ва янгиланиш учун курашда жамиятнинг бутун кучини жипслаштиришга кўмаклашмоғи лозим. Таъбир жоиз бўлса, бу биз қадам қўяётган масъулиятли сиёсий кампаниянинг бошланғич ва пировард нуқталаридир, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг секретари.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг раиси Б. К. Пуго, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари А. С. Капто, А. С. Павлов, В. И. Шимко, КПСС Марказий Комитетининг ишлар мудири Н. Е. Кручина қатнашдилар.

(ТАСС).

Мана ўттиз йилдирки, Жумақул Ҳусанов Денов районидаги «8 Март» колхозида бош чўпон. Унинг бой тажрибасидан хўжаликнинг ёш чорвадорлари баҳраманд бўлиб келишаяпти. Айни кунларда Жумақул Ҳусанов қўй-қўзиларни қишловдан беталофат олиб чиқиш учун барча чораларни кўрмоқда. Отардаги совлиқларнинг асосий қисми юқори семизликда.

СУРАТДА: моҳир чўпон Ж. Ҳусанов яйловда.

П. ЭРГАШЕВ фотоси.

СОВЕТ КОСМОНАВТИКАСИНИНГ КАТТА ЮТУҒИ

ИККИНЧИ СОВЕТ—ФРАНЦИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ ТЎЛА-ТЎКИС БАЖАРИЛДИ

ТАСС ахбороти

Совет космонавтлари Владимир Титов, Муса Манаров ва Франция республикасининг граждани тадқиқотчи космонавт Жан-Лу Кретьен одам бошқарадиган «Мир» комплекси ичидаги тадқиқотлар ҳамда экспериментлар программасини муваффақиятли тугаллашганидан кейин 21 декабрь куни Москва вақти билан соат 12 дан 57 минут ўтганда ерга қайтиб тушдилар. «Союз ТМ—6» кемасининг туширилувчи аппарати Жезқозғон шаҳридан 180 километр жануби-шарқда қўнди. Космонавтлар ерга қўнганларидан кейин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. Александр Волков, Сергей Крикалев ва Валерий Поляков орбитада ишни давом эттиришмоқда.

Совет космонавтлари Владимир Титов ва Муса Манаров тарихда биринчи марта бир йил давом этган орбитал учишни амалга оширдилар.

Шу вақт мобайнида «Мир» комплекси ичида астрофизика, геофизика ва медицина тадқиқотларининг, технология ва биотехнология эксперименталларининг жуда катта программаси бажарилди.

Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф муҳитни ўрганиш борасидаги ишларга каттагина ўрин ажратилган эди. Қуруқлик ва Жаҳон океани акватории мунтазам равишда визуал кузатилиб, суратга олиб турилди. Ер сатҳи 12 минг мартадан кўпроқ суратга олинди.

Космик медицина соҳасида, шу жумладан тадқиқотчи врачнинг иштироки билан катта ҳажмдаги эксперименталар бажарилди.

Владимир Титов ва Муса Манаров очиқ космосда ишлаган вақтларида «Квант» астрофизика модули рентген телескопларидан бирининг иш қобилиятини тиклаш борасидаги мураккаб монтаж операцияларини бажардилар, қуёш батареясининг экспериментал секциясини ўрнатдилар.

Халқаро ҳамкорлик доирасида кўпдан-кўп тадқиқотлар ўтказилди. «Мир» комплекси ичида Болгария ва Афғонистон космонавтларининг иштироки билан ишлар программаси тўла-тўкис бажарилди.

1988 йилнинг 28 ноябридан бошлаб совет ва француз космонавтларидан олти киши орбитал комплекс ичида 23 кун мобайнида қўшма тадқиқотларни ўтказди. Халқаро экипаж учишидаги иш вақтининг кўп қисми медицина эксперименталарига ажратилган эди.

Экипаж командири Александр Волков ва француз космонавти Жан-Лу Кретьен очиқ космик фазога чиқиш вақтида панжарасимон катта конструкцияни монтаж қилиб, очдилар ва мўлжалланган фан-техника эксперименталарини бажардилар.

Учиш давомида олинган натижалар катта илмий қимматга эга бўлиб, мамлакатимиз илм-фани ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланилади, тараққиёт ишига, ер юзидаги барча кишиларнинг манфаатларига хизмат қилади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ В. Г. ТИТОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий тадқиқот комплексида узоқ муддатли космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун СССР космонавт-учувчиси Ўртоқ Владимир Георгиевич **Титовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ва **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. ГОРБАЧЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.
Москва, Кремль.
1988 йил, 21 декабрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ ЎРТОҚ М. Х. МАНАРОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий тадқиқот комплексида узоқ муддатли космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун ўртоқ Муса Хиромонович **Манаровга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ва **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. ГОРБАЧЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.
Москва, Кремль.
1988 йил, 21 декабрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ М. Х. МАНАРОВГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий тадқиқот комплексида космик учишни амалга оширганлиги учун ўртоқ Муса Хиромонович **Манаровга «СССР космонавт-учувчиси»** унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. ГОРБАЧЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.
Москва, Кремль.
1988 йил, 21 декабрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ГРАЖДАНИ ТАДҚИҚОТЧИ КОСМОНАВТ ЖАН-ЛУ КРЕТЬЕННИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий тадқиқот комплексида космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Франция Республикасининг граждани тадқиқотчи космонавт Жан-Лу **Кретьен Меҳнат Қизил Байроқ** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. ГОРБАЧЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.
Москва, Кремль.
1988 йил, 21 декабрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ГРАЖДАНИ ТАДҚИҚОТЧИ-КОСМОНАВТ МИШЕЛЬ ТОНИНИНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида Совет-Франция экипажи космик учишини таъминлаш ишида фаол қатнашганлиги учун Франция Республикасининг граждани тадқиқотчи-космонавт Мишель **Тонини Халқлар дўстлиги** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. ГОРБАЧЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.
Москва, Кремль.
1988 йил, 21 декабрь.

ТОМИМИЗ МУСТАҲКАМ

Чортоқ пахта заводи ходимлари ноқулай об-ҳаво шароитларида ҳам пахта тойларини жойлаштириш ва хом ашёни қайта ишлаш имкониятига эга бўлдилар. Корхона рационализаторлари яроқсиз ҳолга келган тасмали транспортёрлар ва брезентдан, шунингдек қайта тикланган кўтарма механизмлардан кўчма том ясадилар. Натижада ҳар қандай шароитда ҳам пахтани намликдан сақлаш мумкин бўлди. Айни вақтда томни шароитга мослаб исталган баландликка ўрнатиш мумкин. Пахта намликдан сақланадиган майдон 32 квадрат метрни ташкил этади.

АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ГАП ИСТЕЪМОЛЧИЛАРДА

Тўрақўрғон қуруқ мева заводидан истеъмолчиларга янги хил маҳсулотнинг дастлабки туркуми — қуритилган пиёз жўнатилди. Свердловск, Челябинск ва Тюмень области кооператорларига саккиз тонна қуритилган пиёз юборилди.

Мутахассислар маҳсулот сифатига юксак баҳо бердилар, у таъми ва тўйимлилиги жиҳатидан одатдаги пиёздан қолишмайди. Бундан ташқари уни ташиш ва сақлаш жуда қулай. Гап энди йил охиригача синаб кўриш учун яна 35 тонна маҳсулот оладиган истеъмолчиларда қолди. Эҳтиёжга қараб, қуритилган пиёз ишлаб чиқариш қўпайтирилади. Уни тайёрлаш учун янги линияни жиҳозлашга эҳтиёж бўлмади — мева қуритадиган конвейердан шу ишда унумли фойдаланилмоқда.

КОЛЛЕКТИВ ОБРУСИ УЧУН

«Голодностепстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 110-механизациялашган кўчма колоннасидан Зокир Избосаров бошлиқ участка бинокорлари янгиерликларга ажойиб совға тайёрлади. Бешта ўн икки квартирали уй муддатидан илгари, яхши сифат билан топширилди.

Мазкур механизациялашган колонна чўлқуварлар шаҳридаги уй-жой қурилишида етакчи бўлган асосий бўлимга ҳисобланади. Улар бир йил ичида қарийб 12 миллион сўмлик иш бажарадилар. Бу баъзи трестлар амалга ошираётган ишлардан кўпроқдир. Фақат шу йилнинг ўзида 8800 квадрат метрга яқин уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бинокорлар кинотеатр, тиш даволаш поликлиникаси, универмаг, коммунал-қурилиш техникуми ўқув корпуси сингари бошқа объектларни ҳам бунёд этдилар.

Қурувчилар Тожикистоннинг Ленинобод областидаги бундан бир неча йил муқаддам зилзиладан жабрланган қўшни Зафаробод районига ҳам ёрдам беришга улгуришмоқда. Улар бу ерда 75 та коттеждан иборат совхоз посёлкаси қуриб бердилар. Яқин кунларда яна 150 та шундай уй фойдаланишга топширилади. Улар ишлаётган барча участкаларда қурилиш суръатлари ва сифати яхши бўлмоқда.

Механизация ишлари даражаси юқори эканлиги, ҳар бир қурувчи бир-бирининг ишини бажара олиши, шериклар билан амалий алоқалар ўрнатилганлиги механизациялашган колонна меҳнаткашлари обрўсига обрў қўшмоқда.

ҚАЙТА ҚУРИШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

МУСТАҚИЛЛИК

Ўзбекистон агросаноат комплекси ниҳоятда қийин, масъулиятли даврни бошдан кечирмоқда. Қайта қуриш кескин курашлар, катта меҳнатлар билан амалга оширилмоқда. Асосий соҳа — пахтачиликда қўлга киритган муваффақиятларимиз янгича ишларимизнинг илк меваси сифатида кўнгилларга ҳузур бағишламоқда. Лекин ҳали қувонишга эрта. Биз эндиликда умри қисқа, осон эришиладиган ғалабалар билан масрур бўлиб юришнинг баҳридан кечганмиз. Тезроқ қутулишимиз керак бўлган яна қанча иллатлар бор. Айни пайтда туб ўзгаришлар учун зарур бўлган инқилобий анъаналарни ҳам тезроқ ўзлаштириб олмоғимиз шарт. Туб ислоҳотлар жараёнида ўрганмоғимиз керак бўлган хайрли ишларнинг энг муҳими ва асосийси мустақиллиқдир.

Мустақиллик — эркинлик, озодлик каби инқилобий тушунчаларнинг ҳамроҳи. Совет кишилари қонли курашлар ғалабаси туфайли асрий эзилишдан абадий қутулиб, большевиклар партияси раҳбарлигида мустақил тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олган эдилар. Бироқ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. С. Горбачев Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланиб ўтказилган тантанали йиғилишда таъкидлаганидек, совет жамияти тараққиётининг маълум босқичларида социализм имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмади. Сталин репрессияси, турғунлик даврининг кўпик билан шиширилган шон-шавкати совет кишиларининг демократик ҳуқуқларига раҳна солди. Бир кишининг хоҳиш-иродаси билан яшаш, бошқаришни сунъий равишда марказлаштириш ижтимоий ҳаётда тушкунлик, лоқайдлик кайфиятларини вужудга келтирди. Улар замирида порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик, омманинг ижодий қудратини монсимаслик, бюрократизм иллатлари пайдо бўлди. КПСС XXVII съезди қарорлари билан қуролланган Коммунистик партия кўпчиликнинг, корхоналарнинг, хўжаликларнинг мустақил равишда ўз-ўзини бошқаришини мана шуларга қарама-қарши қўймоқда. Зоҳиран «ким кимни енгади» қабилида кечаётган бу курашда қўлга киритилаётган дастлабки умидбахш ютуқлар мамлакатда, хусусан республикаамизда қайта қуриш стратегияси тўғри танланганлигини кўрсатмоқда.

Сир эмас, пахтачиликдаги бу йилги ютуқларимизга об-ҳаво ниҳоятда катта ёрдам берди. Лекин бу деҳқонларимизнинг мардона меҳнатини, агросаноат комплексидаги туб иқтисодий ўзгаришларни ҳеч бир истисно этмайди. Деҳқонларимиз иш юритишнинг бошланғич бўғини — звено ва ойла пудратини тобора яхшироқ ўзлаштириб олмоқдалар. Бу эса ўз навбатида қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни қайта қуришда, хусусан деҳқоннинг ерга мустақил равишда эгалик қилишини таъминлашда ниҳоятда қўл келмоқда. Масалан, Хоразм область агросаноат комитетининг раиси Аминбой Қаландаровнинг таъкидлашича, бу йилги ютуқларда пудрат туфайли деҳқонларга берилган мустақил хўжалик юритиш усулининг аҳамияти жуда катта бўлган. Биргина Хонқа районида 4.700 пудратчи хўжалик билан шартнома асосида ерга хўжайинлик қилиш ҳуқуқини тўла таъминлаб олган. Натижада хонқаликлар биринчилардан бўлиб планни бажардилар. Мана энди бу район мустақил иш юритишнинг юксак кўриниши — ижара пудратига ўтишда байроқдорлик қилмоқда.

— Мустақиллик кўпроқ, буйруқбозлик, қоғозбозлик эса камроқ бўлди. Ўзимизга қўйиб беришди. Шунинг учун областда биринчи ўринда фақат юқори ҳосил пахта ҳисобига планни бажардик, — дейди Жиззах шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Тўлқин Мирёқубов.

Қамаши райони Қашқадарё областида биринчи бўлиб маррага етди. РАПО кенгашининг раиси Юсуф Давроновнинг кафолат беришича, бунда деҳқонлар эркинлиги айниқса қўл келган.

Кейинги пайтда пахтани ҳашарчиларсиз йиғиштириб олиш ҳақида кўп гапириларди. Аммо юқорининг бюрократларча тазйиқи билан шаҳар ҳашарчи юборишга, хўжалик эса истасаистамаса уларни қабул қилишга мажбур бўларди. Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхоз пахтакорлари бу йил масалани кўндаланг қўйдилар: «Етиштирилган ҳосилни ҳашарчиларсиз териб оламиз!» Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли совхозда ҳам ёрдамчилар кўмагидан қатъий воз кечилди. Ўрта Чирчиқ, Хонқа, Боёвут каби қатор районларда ҳосил ҳашарчиларсиз йиғиштирилди. Натижада кўмакчиларга бериладиган юз минг сўмлаб маблағ силни ҳашарчиларсиз йиғиштириб олиш эвазига хўжалик қарийб 700 минг сўм маблағни тежаб қолган. Лекин бунинг учун колхоз раҳбарлари юқори идораларнинг буйруғини бажармай қанчадан-қанча асаббузарликларга дучор бўлдилар.

Бунинг аксича, республикамизнинг кўпгина хўжаликлари қатори Пискент районидаги «Гулистон» колхозига ҳам планнинг камайиши муносабати билан пахта майдонларини қисқартириш эвазига алмашлаб экишни тўла ўзлаштириб олиш учун енгиллик берилган эди. Негадир колхоз раҳбарлари ва мутахассислари ундан фойдаланишни истамадилар: чигит экиш планини 106 процент бажариб юбордилар. Мана шундан кейин ҳам юқорининг планлаштиришдаги ҳукмронлиги ҳақида гапириб кўринг-чи!

Тўғри, биз узоқ йиллар буйруқ билан чигит эгдик, буйруқ билан дефолиация қилдик, буйруқ билан теримга тушдик. Нимага шудгор қилмайсан, деб рейдлар ўтказдик. Керак бўлса деҳқонга телефонда, матбуотда, радио, телевизорда суғоришни, чопиқ қилишни ўргатиб турдик. Планлар ернинг, деҳқоннинг, хўжаликнинг имкониятига қараб эмас, балки Госпландаги масъул ўртоқларнинг хоҳиш-иродаси билан тузилар эди. Шунинг учун машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсарий!»сидаги Танабойнинг ахта оти каби қонун тусини олган бу доирани бирданига бузиб чиқиб кетиш қийин кечмоқда. Ҳозир қўлимизда «пахта плани бажарилди» деган катта дастак тургани учун мустақилликнинг аҳамиятига доир ижобий мисолларни истаганча келтира оламиз. Аммо шартли равишда бу дастакни бир четга сурсак, умумий манзарада деҳқонларнинг, оддий пудратчиларнинг, хўжаликларнинг мустақиллигига халал етказаётган буйруқбозликни, бюрократизмни кўрамиз. Мана шунинг ўзиёқ бизни деҳқонларга инъом этилган мустақиллик сарҳадларини белгилаб олишга даъват қилади. Ахир буйруқ берувчилар ўз «тишлам»ларини осонлик билан бермаётирлар. Ижрочилар эса мустақилликни тезда ҳазм қилолмаётирлар. Мана шу икки нуқтада кураш кескинлашмоқда. Баҳслар, мунозаралар, қарама-қаршиликлар пайдо бўлмоқда. М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг шу йил июль ойида бўлиб ўтган пленумида «Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг қарорларини бажариш соҳасидаги амалий ишлар тўғрисида» қилган докладида: «Биз маҳсулот етиштирувчиларнинг мустақиллиги ва масъулиятига кенг йўл очиб беришимиз, қишлоқ хўжалиги бозорини ҳар томонлама ривожлантиришимиз керак» деганида баҳс-мана энди социал соҳани ривожлантиришга сарфланмоқда, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини оширмоқда. Мустақиллик самараси ўлароқ бир йилдаёқ юксалиш йўлига ўтиб олган хўжаликлар, коллективлар ҳақидаги бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Совхоз директорлари, колхоз правлениеларининг раислари, мутахассислар буни «ўзимизга қўйиб беришди», «ишимизга аралашишмади», «эркинлик бўлди», «ўз вазифасини бажаришга имкон берилди» қабилида турлича талқин этсалар-да, лекин ҳамма-сининг моҳияти мустақил равишда ишлаш имкониятн бинан баҳоланади.

Шу ўринда ҳаёт тақозосига кўра юқоридан «берилган», «инъом қилинган» ёки талаб этиб олинган мустақилликдан фойдаланиш осон кечмаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Гурлан районидаги «Правда» колхози партия ташкилотининг секретари Шарифбой Ортиқовнинг айтишига қараганда, икки йилдан бери ҳомунозаралардан тезроқ амалий ишга ўтишни назарда тутган эди.

Ҳамма — республика Агросаноат давлат комитетидан тортиб то қуйи бўғин раҳбарлари ва мутахассисларигача — амалий ишга ўтиш истаги билан ёнмоқда. Лекин бири бу ишни қуйига қараб буйруқ ва тавсиялар оқимини кучайтиришдан иборат, деб тушунади. Иккинчиси эса бу буйруқ ва тавсиялар оқимига жавоб тополмай ҳайрон яшамоқда. Ўртада қайта қуриш зарар кўрмоқда, туб ислоҳот самараларига путур етмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик: Янгийўл шаҳрига қарашли Усмон Юсупов номли комбинат беш йилликнинг ўтган уч йилида давлатга 39,5 минг тоннадан зиёд маҳсулот сотиб, 2 миллион 150 минг сўм соф фойда олган. Бош директор Шолим Ҳусановнинг изоҳлашича, агар эскича иш услуби халқит бермаганида, мустақиллик тўла таъминланганида, ютуқлар бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди. Комбинат имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда юқоридан план белгилаш иллати давом этмоқда. Ўғит, моддий-техника ресурсларини ажратишда ҳам комбинатнинг нимага ихтиросслашганлиги ҳисобга олинмайди. Юқори ташкилотлар бош директорга 1988 йил давомида 500 тага яқин буйруқ, телефонограмма ва бошқа чақириқлар билан мурожаат қилишган. Турли комиссиялар, ҳар хил текширувлар бу ҳисобга кирмайди, албатта. Булар Тошкентнинг шундоққина биқинида жойлашган хўжаликда бўлаётган гаплар. Самарқанд областида ёки Қорақалпоғистон АССРдаги хўжаликларнинг аҳволини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Бу йилги мавсумда Кўрғонтепа райони хўжаликларида пахтани хом териш қоллари аниқланди. Сабаби суриштирилганда, область райондан, район эса хўжаликдан ўзай деган: ҳар ким тузиб берган графикнинг бажарилишини талаб қилганлиги аниқланган. Оқибатда пахта очилса-очилмаса колхозчилардан ҳам нормани бажариш талаб этилаверган, бу эса ҳосилнинг хом терилишига олиб келган.

Масалани бошқачароқ тарзда қўйиб, область агросаноат комитети, район агросаноат бирлашмаси фақат буйруқ олиш ёки буйруқ бериш билан шуғулланмай амалий иш қилса бўлмайдими, деган саволни ўртага ташлаймиз. Ўз-ўзидан, қандай амалий ишни назарда тутаяпсиз, деган сўроқ кўндаланг бўлади.

— Бизга район агросаноат бирлашмасининг мутлақо кераги йўқ, — деб жавоб берди бу совхоз Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсунбой Латипов.

— Мазкур бирлашма учун колхозингиздан катта миқдорда пул чегириб қолинаётир. Нима учун шундай хулосадан кейин маблағ ўтказишни тўхтатиб қўймайсиз?

Бу саволимиз раисга қонунни бузиш, ўша эски доирадан чиқиб кетиш бўлиб туюлди. Ахир М. С. Горбачев июль пленумида қилинган докладида Горький областидаги колхоз раисларидан бир гуруҳининг «Советская Россия» газетасида босилган хатига асосланиб, «Агросаноат комплекси бошқарувини қайта ташкил этишни пайсалга солмаслик керак, юқоридан буйруқ берилаётган барча каналлар ёки ришталарни узил-кесил қирқиб ташлаш лозим» деганида ҳеч иш қилмай, колхозчининг ҳамёнига шерик бирлашмалардан воз кечишни назарда тутган эди-ку!

Хўжаликларнинг мустақиллигига халақит бераётгани сабабли ҳаёт аста-секин РАПОларни бир четга суриб қўймоқда. Уларнинг ўрнини бевосита деҳқоннинг, хўжаликларнинг манфаати учун хизмат қилувчи агрокомбинатлар эгалламоқда. Таассуфки, бу жараён республикамизда жуда суст кечмоқда. Лоақал «Самарқанд» агрокомбинатитининг тажрибаларини (бу ҳақда «Қишлоқ ҳақиқати» муфассал ҳикоя қилди) ҳар бир областда қўллаб кўриш ҳам пайсалга солинмоқда.

Албатта, тажриба ва ташаббуснинг кенг ёйилмаётгани, мустақиллик етарли эмаслиги учун ҳадеб «юқори»ни танқид қилавериш инсофдан эмас. Бизнингча, ишлаб чиқаришнинг бошланғич бўғини раҳбарларида, деҳқонларнинг ўзларида ҳам мустақиллик учун қатъият етишмаётир. Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли совхоз бригадири Умар Мардиев «Катталар ишимизга кўп аралашмадилар, ўзимизга қўйиб беришди. Шунинг учун планни ошириб бажардик», деб қувониб гапирди. Бу йил унинг бригадаси «С-4727» навини эккан. Агар ўтган йилгидек чўл шароитига мос келувчи «АН-Боёвут-2» экилганда натижа бундан ҳам яхши бўлиши мумкин экан.

— Хўш, энди яна «АН-Боёвут-2» навини экаман десангиз, сизга ким қаршилик қилади?

Бригадир бу саволга аниқ жавоб беролмади. Бироқ ўз фикрини астойдил ҳимоя қилиш ўрнига, юқоридан рухсат беришса экар эдик, деб тайсаллади. Ҳисоб-китоблар бор, натижалар кўриниб турган жойда олий маълумотли бригадирнинг қарашн бу!

Октябрь ойининг ўрталарида Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхозда мажбуриятни бажарган бўлим бошлиғи Маъруфжон Азимовдан «шудгорни қачон қиласиз?» деб сўраб қолдик. Область, республика планини бажарганидан кейин, деб жавоб берди у. Бир тола ҳам пахтани ерда қолдирмаймиз, деб қўшиб қўйди яна. Яхшиям Тошкент областида, республикада план илдам бажарилди. Мабодо декабрь ойига ўтиб қолганда бошлиғи мустақилликни қадрлай билмаган бўлим қишда шудгор қилиб, келгуси ҳосилга зарар ортармиди.

Худди шу совхозда, пировард натижадан деҳқон тўла бахраманд бўлмас экан, мустақиллик ҳақида гап юритиш мумкин эмас, бунинг учун қабул пунктларини, пахта заводларини хўжаликларнинг ихтиёрига бериш керак, деган таклифларни айтишди. Бу мулоҳазалар Бувайда РАПОси кенгашининг раиси Валижон Абдуллаевнинг талабларига мос келади. Завод шу районда етиштирилган пахтанинг 13 процентини биринчи сортга, 87 процентини иккинчи сортга қабул қилган. Фарғонада етиштирилган пахта учун Бухорода етиштирилган пахта эталон қилиб олинган. Бу ҳам етмагандек, завод иккинчи сортга ўтган пахтадан биринчи сорт тола тайёрламоқда. Қаранг, деҳқон етиштирган маҳсулотдан заводлар ўзлари истаганча фойдаланадилар. Фақат воситачилик билан шуғулланувчи «Союзглавлегпром» ўзи истаган нархда сотиб, деҳқонга стандарт нархда ҳақ тўлайверади. Тўқимачиларнинг пахта сифати ҳақидаги талаб-истаклари эса тўғридан-тўғри пахтакорларга қаратилган бўлади. Шунинг учун деҳқон заводни ўз ихтиёрига ўтказмоқчи. Ўз маҳсулотини ҳеч қандай воситачисиз тўқимачиларга, ҳатто ташқи бозорга ўзи етказиб беришни истамоқда. Бундан келадиган фойда-зарарнинг бутун масъулиятини ўз зиммасига олмоқда. Ҳозир Тошкент областида тайёрлов пунктларини хўжаликларнинг ихтиёрига беришга қаратилган маълум тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Келгусида буни заводларга тўла эгалик қилиш, воситачилардан воз кечишга қадар ривожлантириш, шубҳасиз, колхоз ва совхозлар истаган мустақилликнинг ажойиб якуни бўлар эди.

Биз мустақилликни бир ёқлама ёки тор маънода қабул этиш тарафдори эмасмиз, аксинча, бунн теран тушуниш, бунда ҳар доим меъёрни сақлаш тарафдоримиз. Чунки меъёр бузилган жойда мустақиллик учун масъулият унутилади. Ҳар бир раҳбар, ташкилот ўзининг қуйи бўғинига бераётган эркинликнинг масъулиятини ўзидан соқит қилса, деҳқонлар, колхоз ва совхозлар мустақиллик масъулияти билан ҳисоблашмай ишга киришсалар, ўртада бошбошдоқлик пайдо бўлади, интизом бузилади. Интизом бузилган жойда муваффақият ҳақида гап ҳам юритилиши мумкин эмас. Шунга эришмоқ керакки, мустақилликка эга бўлиб, шуни барбод берган шахслар қайси лавозимни эгаллаганликларидан қатъий назар, давлат олдида, эл-юрт олдида, хўжалик олдида ҳам моддий, ҳам маънавий тарзда жавоб берсинлар, мустақиллик масъулиятини тўла ҳис қилсинлар.

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ,
А. АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон радиосининг ходимлари — махсусан «Қишлоқ ҳақиқати» учун.

Энергетиклар ҳаётидан

ЮРГАН ЕРИН НУРАФШОН ЭТДИ

Пойтахт областининг Оржоникидзе районида бунёд этилган Тошкент ГРЭСи нур таратувчи йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Қобил Мирсиддиқов дастлабки меҳнат фаолиятини шу ерда оддий монтёрликдан бошлаган эди. Уддабурон, меҳнатсевар бу йигит икки йилдан сўнг насос, турбина назоратчиси, кейинчалик энергоблок машинисти касбларини ҳам пухта эгаллаб олди. 1971—1974 йилларда у Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳридаги азот ўғитлари заводига қарашли иссиқлик электр станцияси қурилишида иштирок этиб, ўз тажрибасини шу ерлик ёшларга ўргатди. Ўзи ҳам касби бўйича бой тажриба орттириб қайтди.

Мана, 26 йилдирки, у беш кишидан иборат сменани бошқариб келаяпти. Касбини севган, ишбилармон йигит кам бўлмади. Унинг номини коллектив ҳурмат билан тилга олади. Коммунистлар Қобилни ўз сафларига қабул қилишди. Бу йил унинг ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди: Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида делегат сифатида қатнашди.

Дастлабки пайтда у учта блокда хизмат қилган бўлса, ҳозир тўрттасини бошқараяпти. Қобил ўзининг меҳнат фаолияти давомида кўпгина муносиб ўринбосарлар тайёрлади. Масалан, Нодир Зоҳидов, Суннатилла Очилов, Абдувоҳид Қодиров, Олег Ли, Володя Бондаренко сингари шогирдлари ҳозир устозлари билан бирга фидокорона меҳнат қилишаяпти.

У меҳнатда ҳам, жамоат ишларида ҳам доимо фаол. Ҳозирги кунда ГРЭС меҳнат коллективи кенгашининг ҳамда электростанциялар ва электр саноати ходимлари касаба союзи республика комитети президиумининг аъзоси. Қ. Мирсиддиқов томонидан яратилаётган нур унинг ҳаёт йўлини ҳам нурафшон этмоқда.

— Қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида айниқса коммунистлар ҳар томонлама ўрнак бўлишлари, касбдошларини ҳам ўз ортларидан эргаштира олишлари керак, — дейди Қобил Мирсиддиқов. — Шу боисдан сменамиз аъзолари ҳа, ойда белгиланган ёнилғини тежаш, энергоблоклар қувватини оширишда қувончли натижаларга эришиб, пешқадамлар сафидан ўрин олиб келишаяпти.

Меҳнат қилган элда азиз, деб бежиз айтишмаган. У давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган энергетик» Қобил Мирсиддиқовнинг кўксини Халқлар дўстлиги ордени, «Ўзбекистон энергетикаси ветерани» нишони безаб турибди.

Қобил Мирсиддиқов етакчи бўлган қозон-труба цехи ишчилари беш йиллик учинчи йилининг асосий топшириқларини куни кеча бажардилар ва анъанавий байрам — Энергетиклар кунини муносиб туҳфа билан кутиб олдилар.

Э. ТУЛАГАНОВ.

* * *

СУРАТДА: Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегати, ветеран энергетик Қобил Мирсиддиқов.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

Комсомол ва партия ветерани Ч. ИБРОҲИМОВА ҳузурида

ЧИННИДЕК ШАФФОФ

Ҳар гал Тошкент шаҳрининг Шастри кўчасидаги қадрдон уйда, Чиннихон ая хонадонида бўлсам, бир олам завқ олиб қайтаман. Онахон синовларга тўла тикланиш йиллари хотирасини жуда яхши эслайдилар. Бундан 50—60 йил муқаддам рўй берган муҳим воқеаларни ихлос билан сўзлашга ўрганиб қолган. Рости, ундаги ғайрат-шижоатга, жонкуярликка кўпчилик ҳавас қилса арзийди. У бирор мақсадни кўзладими, унга эришмагунча ором билмайди.

— Яшашдан мақсад — халқингга, Ватанингга сидқидил хизмат қилиш, — дейди Чиннихон ая. — Бунга шахсан мен умр бўйи риоя этиб келаяпман. Онам Тўрахон Иброҳимова бизни шунга ўргатгандилар. У киши инқилобнинг дастлабки йилларида пахта тозалаш заводида меҳнат қилардилар, янги тузумнинг фаол тарафдорларидан бири эдилар. Онам Қўқоннинг эски маҳаллаларида туғилиб, хотин-қизларни озодликка чорлардилар. Айниқса чекка қишлоқларда онамнинг қадамлари қутлуғ бўларди. Аммо дин пешволари бундан ғашланишарди. Неча бор унинг пайини қирқишга ҳаракат қилишган.

Чиннихон ана шундай инқилоб жонкуяри бағрида камол топди. Уни 1922 йилда комсомолга қабул қилишганда онаси каби яшаяжагини, инқилоб ғоялари учун керак бўлса жонини беришга тайёр эканлигини баён этганди. Энг асосийси — унга ёшлар союзига аъзолик билетини 20-йилларнинг ўтўрак комсомоли Абдулла Набиев топширганди.

— Ҳали кураш олдинда, — деган эди ўша кезда Абдулла Набиев. — Янги турмуш йўлида ёшлар ором билмай ҳаракат қилишларига тўғри келади. Бу кураш оғир ва машаққатли кечиши мумкин. Ҳатто қурбонлар бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Кўксида Ленин сиймоси туширилган комсомол билети билан Ч. Иброҳимова тенгдошлари ўртасида саводсизликни тугатиш ишларини олиб борди, «қизил ҳафталиклар» ўтказилишига эришди. Фарғона комсомоллари Чиннихонга катта ишонч билдиришиб, уни Ватанимиз пойтахти — Москва шаҳрига ўқишга юборишди. Ўша пайтларда чуқур билим олиш комсомолларнинг долзарб вазифаси ҳисобланарди.

— Москвада бўлганимда, — дея хотирлайди онахон, — мени Красная Пресня райони комсомоллари ўз конференцияларига делегат қилиб сайлашди. Пойтахтнинг оловқалб йигит-қизларидан кўп нарса ўргандим. Ўшанда ғурур билан авайлаб асраган комсомол билетим ҳозир Ленинграддаги Октябрь революцияси музейида сақланмоқда. Бу — мен учун катта шараф.

Ч. Иброҳимовани 1930 йилда партия сафига қабул қилишди. У энди партиянинг содиқ ва онгли аъзоси сифатида ҳар қандай топшириқни шараф билан бажаришга бутун кучини, билимини сарфларди. Кейинги йилларда Чиннихон ая кўпгина масъулиятли вазифаларни бажарди. У қаерда меҳнат қилмасин, доимо унутилмас из қолдирарди. Ҳар гал шахсий манфаатдан умумхалқ манфаатини устун қўярди.

Улуғ Ватан уруши йиллари Ч. Иброҳимова ҳаётида муҳим давр ҳисобланади. Халқ бошига оғир кунлар тушганда бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишлади. Жангга кетган эркаклар ўрнини билдирмасликка ҳаракат қилди. Душман вақтинча босиб олган шаҳар ва қишлоқлардан кўчирилган оилаларни жойлаштириш масаласи фронт орти захматкашларини тинч қўймасди. Эвакуация қилинган завод ва фабрикаларни жойлаштириш, уларнинг тез кунда ишга туширилишини таъминлаш ўша кунларнинг энг долзарб топшириғи эди. Ўзбек тупроғида қайта тикланган саноат корхоналари ғалаба учун ишлашига эришиш вазифаси Чиннихон Иброҳимова сингари тиниб-тинчимас инсонлар зиммасига юклатилганди.

Уруш келтирган жудолик унинг қалбини тилка-пора қилса-да, ҳаётини издан чиқара олмади. Биринчилар қатори фронтга отланган турмуш ўртоғи — журналист ва ношир Раҳим Ғафуровнинг тенгсиз жанглардан бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги «қора хат» Чиннихоннинг юрак-бағрига битмас-туганмас алам олиб кирди. Қанча оғир бўлмасин, у дардини меҳнат билан енгди.

Кейинги йилларда Ч. Иброҳимова Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг советлар бўлимида катта референт лавозимида ишлаб, шу ердан қарилик пенсиясига чиққач, айримлар сингари осонгина тинчиб кетмади. Аксинча, ўзини бутун вужуди билан ёшлар тарбиясига бағишлади. Мана бир неча йилдирки, у Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон комсомоли» агитпоездининг доимий қатнашчиси сифатида республикамизнинг ҳамма областларида бўлиб, йигит ва қизларга босиб ўтилган тарихий йўл ҳақида мароқли ҳикоя қилиб бермоқда, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтараяпти. Унинг иштирокида ўтказилаётган «Қизлар гурунги» жонли мулоқотларга айниқса бой бўлмоқда. Онахон ёш аёллар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориб, уларнинг ҳурматини қозонган.

«Шавкатли меҳнати учун» медали соҳиби, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Чиннихон Иброҳимова 80 ёшни қаршилаётганига қарамай, хотиржам юриш, ҳузур-ҳаловат нималигини билмайди. Уни кўпинча В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида учратиш мумкин. У бу ерда партия ва комсомол ветеранлари иштирокида ўтказилаётган тадбирларнинг фаол қатнашчиси. Тантанали кунларда ёш ленинчилар сафига қабул қилинган пионерлар Чиннихон аянинг бўйнига алвон галстук боғлашганда унинг қалби янада яшаради. Шунда у бахтли даврда яшаётганидан, дилкаш инсонларга замондош бўлганидан қувониб кетади.

И. УСМОНОВ.

Маҳаллий ўғит — ернинг ҳақиқий дармондориси. Шу боисдан Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхози деҳқонлари гўнг жамғаришга катта эътибор беришаяпти. Бу ерда ҳар кунн дала бошига 100—120 тонна нури чиқарилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Совхоз директори А. Элмуродов ва механизатор О. Рисбоев.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари.

ХОНАДОН СОҲИБЛАРИ УЧУН

Урганчда сув босими ҳосил қиладиган насос станцияси фойдаланишга топширилди. Бу билан бир йўла бир неча муаммо бартараф этилди. Станцияда 16 та насос қурилмаси ҳамда ичимлик суви тўплайдиган иккита ҳавза бор. Булар куннинг исталган вақтида область марказидаги тўртта микрорайонда бунёд этилган кўп қаватли уйларни етарли даражада сув билан таъминлайди.

— Бу шаҳарда илк бор бунёд этилган сув босими ҳосил қиладиган насос станциясидир, — деди шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари, В. Раков. — Станция ўн атмосфера босими остида сув ҳайдайди. Бошқарув пультига эга бўлган автомат ускуна ҳатто энг қизғин дамларда ҳам сувни бир меъёрда тақсимлаш имконига эга.

Маҳаллий уйсозлик комбинати коллективи бу ерда бунёд этилаётган уйлар сингари, мазкур насос станциясини ҳам юқори сифатли қилиб қуриб берди. Станцияни ишга тушириш ва созлаш ишларида «Водоканал» область бошқармасининг инженер-энергетиклари Анатолий Абдушарипов ва Шоназар Жуманиёзовлар алоҳида ўрнак кўрсатишди.

Иншоот 250 минг сўмга тушди. Бу пул маҳаллий Советлар бюджетидан ажратилган эди. Шаҳарликлар энди шикоят қилмайдиган бўлдилар, бутун-бутун кварталларга сув беришдаги узилишлар бартараф этилди. Яқин-яқингача кўп қаватли уйларнинг баъзиларида сув йўқлиги сабабли санузеллар, ваннахоналар ва душхоналар ишламасди. Одамлар шу сабабли ҳатто олган ордерларини қайтариб берардилар...

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

КИШИНЁВ. Станислав Юрко яқинда солдат эди. Ҳозир эса В. И. Ленин номли Кишинёв давлат университетининг студенти. У ҳалоқ бўлган интернационалист жангчилар хотирасига бағишланган қўшиқлар ва шеърлар ижрочилари биринчи республика конкурсининг лауреати бўлди. Конкурсни Молдавия ЛКСМ Марказий Комитети билан запасдаги жангчилар кенгаши ташкил этди. Ҳаваскор муаллифларнинг 300 та асарида одамларнинг бир-бири билан қардошлиги, қаҳрамонлиги, олижаноблиги, мардлиги тараннум этилди. Конкурсни анъанага айлантиришга қарор қилинди.

●

КУРСК. Белов районидаги «Восход» колхози областнинг қишлоқ хўжалигида халқаро амалий алоқалар кашшофи бўлди. Хўжалик правленияси район агросаноат бирлашмаси қайта ташкил этилгандан кейин ташқи савдо бозорига мустақил чиқиш ҳуқуқини олиб Чехословакиянинг «Нитра» кооперативи билан шартнома тузди. Бу кооператив икки юз гектар майдонда нўхат ва яна шунча ерда дон учун маккажўхори етиштиришни ташкил қилади. Бу ишларни Белов деҳқонлари билан уларнинг чехословакиялик ҳамкасблари биргаликда олиб борадилар. Колхоз ишчи кучини, кооператив эса технология ва машиналарни, шунингдек, ҳар хил гербицидларни етказиб беради. Гектар бошига 30—40 центнердан нўхат ҳосили олишга кафолат берилади. Ҳар гектар экинзор учун 25 сўм тўланади. Аммо ҳисоб-китоб олинган маҳсулот билан амалга оширилади. Колхозчилар халқаро иқтисодий алоқаларнинг нафини кўрмоқдалар ва ҳозир Югославиянинг «Белград» фирмаси билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида музокаралар олиб боришмоқда. Бу фирма қанд лавлаги ва маккажўхори етиштиришга иқтисослашмоқда.

(ТАСС).

Газетхон билан ёзма-ёз

ЖУРНАЛИСТ МУЛОҲАЗАЛАРИ

ЎЗ УЙИНГ— ЎЛАН ТЎШАГИНГ

Қишлоқда яшовчи Анвар амаки хонадонида уй-жой масаласи ҳал қилинган. Ҳарбий хизматни тугаллаб келиб, уйланаман деб турган ўғилларига атаб ҳовлининг бир четига иморатлар қурилган. Оила бошлиғи ёки уй бекаси бемалол бировнинг остонасини ҳатлаб, совчи бўлиб кириши мумкин. Аммо район марказидаги кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи Зокирхўжа акага қийин. У ўғлимни уйлантираман, уй беринг, деб райижрокомга бориб, тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди. Жуда ажойиб экансиз-ку! Одамлар бир неча фарзандлари билан 10—15 йиллаб навбатда туришибди-ю сиз энди уйлантирмоқчи бўлган ўғлингизга уй сўраб келибсиз. Ўғлингиз аввал оилали, болачақали бўлсин, унгача уй-жой масаласи ҳам ечилиб қолар, деб жавоб қилишибди.

Бир жиҳатдан улар ҳам ҳақ. Мамлакатимизда, айниқса бизнинг республикамизда уй-жой ҳамон тақчил. Бироқ инсон оила қургандан сўнггина уй-жойга навбатда туриб, яна йиллаб кутса, умрининг энг гуллаган даври бошпанасиз ўтиб кетмайдими? Уйсиз одамнинг иши унмайди, доимо кайфияти тушиб юради. Бундай ҳолатда болалар тарбияси қандай кечади? Шу жиҳатдан Зокирхўжа аканинг Анвар амакига ҳаваси келади:

— Кошки эди менинг ҳам жиндаккина ерим бўлса, бир амаллаб том ёпардим-у ўғлимни уйлантирардим. Энди нима қилсам экан-а?!

Бу мисол айни шу кунлардаги турмуш қийинчиликларидан бир шингил, холос.

Ҳар бир халқнинг фақат ўзигагина хос миллий хусусиятлари, анъана ва маросимлари бўлиб, буларсиз у ёки бу миллатнинг турмуш тарзини тасаввур қилиш қийин. Худди шу нарса халқларнинг уй-жой, турмуш шароитида ҳам намоён бўлади. Маданияти узоқ асрларга бориб тақаладиган ғоят меҳнаткаш халқимизнинг анъана ва маросимларини ўтказиш учун ўзига хос шарт-шароитлар бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам кишиларимиз лоақал 4—8 сотих бўлса-да ҳовлили уйларда яшашни хуш кўрадилар. Яқинда Наманганда беш юзга яқин оила қуруқ ер майдони ажратиб берилиши ҳисобига қулай квартираларини давлатга топширгани ҳам худди шунинг исботи.

Шу ўринда икки оиланинг турмуш тарзини мисол тариқасида келтириш жоиздир. Улардан бири — олти фарзандли Аббосовлар хонадони. Бу оила 8 сотихли ҳовлида яшайди. Иморатларининг қиймати 25—30 минг сўм. Бу уйни давлатдан олган маош ҳисобига қуриб бўлмаслиги табиий. Сиртдан қараганда уларнинг бирор шубҳали даромад манбаи бордек. Асло бундай эмас. Аббосовлар, биринчидан, бир парча ерларидан озми-кўпми даромад оладилар. Иккинчидан, чорва моллари боқиб, семиртириб сотадилар.

— Шанба-якшанба кунлари фарзандларим билан 6.000 дона ғишт қуйдик,— дейди оила бошлиғи. — Шунча ғиштни бировга тайёрлатсак, камида 220 сўм тўлар эдик.

Демак, улар шу зайлда ишласалар, тўрт шанба-якшанбанинг ўзида 880 сўмлик иш бажарадилар. Бу уй қуриш учун қилинган меҳнат. Энди материал масаласига келсак, юқорида таъкидлаганимиздек, уларнинг маошдан ташқари ёрдамчи хўжаликлари ҳам бор. Ҳар бири беш юз сўмдан олинган бузоқни 1.500—2.000 сўмликка етказиб сотадилар. Бу иш йилига икки маротаба такрорланади.

Шу хонадон билан деярли тенг маош олувчи ўзга бир оиланинг турмуш тарзи бутунлай бошқача. Уларнинг атиги бир фарзандлари бор. Давлат томонидан берилган икки хонали шинам квартирада яшашади. Ишдан кейин кечки пайтларни боғ истироҳат боғларида, боғ театр ва киноларда ўтказадилар. Шанба-якшанба кунлари балиқ ови, тоғ сайли ғаштини сурадилар. Йиғган жамғармаларига эса йиллик меҳнат отпускаларида Қрим ёки Сочига бориб, дам олиб, келадилар. Бу оила аъзолари: «Давлатнинг ўзи тайёр уй қуриб бериб турса, жонни қийнашдан нима фойда»,— деб фикр юритишади.

Энди инсоф билан ўйлаб кўринг: Аббосовларни хусусий мулкка муккасидан кетган, қандайдир шубҳали йўллар билан иморатлар қурган деб, кейин сўз юритилган оилани эса ҳалол кун кечирувчилар, рисоладагидек кишилар деб ўйлаш ҳато эмасми?!

Турғунлик йилларида худди шундай бўлди. Не-не машаққат билан жамғарма йиғиб, иморат қурган одамларга шубҳа билан қаралди, уларга ишончсизлик билдирилди. Нега ахир? Улар ҳам давлатдан тайёр уйни талаб қилиб олишлари мумкин эди. Бизнингча, бундай оилаларни шубҳа остига олиш ўрнига тақдирлаш керак. Ахир, улар ўзларига, фарзандларига уй қуриб олмасалар, давлат зиммасига юкланар эди-ку!..

Айрим халқлар, жумладан грузинларда кўп йилларга мўлжалланган ғиштин шахсий уйлар қуриш одат. Бизда эса бир қаватли (аҳён-аҳёнда ертўлали) пахса ёки синч уйлар қуришади. Шунга қарамай бундан 2—3 йил илгари улар юқорида таъкидлаганимиздек, таъқиб остига олиндилар. Ҳатто ҳалол жамғармалари ҳисобига уй ёки дала ҳовли қурган олимлару, ёзувчилар ҳам аёвсиз пўстакқоқди қилинди. Натижада ЎзТАГ мухбири Доғжи «Ўз уйингизни ўзингиз қуринг» сарлавҳали мақоласида жуда тўғри таъкидлаганидек, одамларнинг ҳатто биргина хона қуришга ҳам юраклари бетламай қолди. Энди эса қайта қуриш шабадалари туфайли ҳоҳласангиз ўз уйингизни ўзингиз қуриб олинг, деб даъват қилинаётир. Ҳатто шахсий уйлар қуриб олиш учун давлат томонидан қарз берилмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида «СССР ҳукуматининг илгари амал қилиб келган якка тартибда уй-жой қурилишини чеклаб қўядиган барча қарорларини бекор қилинади» дейилганлиги айни муддаодир. Аммо бу кўрсатмалар қуйига тўлалигича етиб келмаяпти. Мутасадди идоралларда ҳамон эскича инструкцияларга мувофиқ уй-жой қурилишида турли чекланишлар қўлланилмоқда.

Захматкаш, омилкор одамларни шубҳа остига олиш психологияси ҳамон мавжуд. Яқинда бир танишим: «Фалончининг ҳам хуфёна даромад манбаи бор. Акс ҳолда токининг сўрисигача ялтираб бўяб олармиди?»— деб қолди. Ўша фалончи магазиндан металл сотиб олиб сўри қилган. Занглаб, чириб кетмасин, деб нари борса 15 сўмга бўёқ сотиб олибди-ю фарзандлари уни суриб чиқишибди. Наҳотки шунинг учун бу одамга ҳаромхўр деган тамға босилса! Вақоланки, ўша бўёқ туфайли металлнинг умри узаяди, ҳовлижой кўркам бўлади. Бунинг нимаси ёмон?

Баъзи хонадонларга кирган кишининг дили хуфтон бўлади. Деворлари нураб, ток сўрилари занглаб ётади. Ахир, шу уйда ҳам инсон яшайди-ку! Ҳеч қандай чиқимларсиз, ўз кучи билан ҳам деворларни суваб, оқлаб қўйиш, эшик ва ток сўриларини бўяш, тартибга келтириш наҳотки қийин бўлса? Оилалар фаровонлиги юрт ободлигидан далолат беради. Бас шундай экан, ҳар бир оила ўз уйининг кўркам, шинам бўлиши учун курашиши керак.

2000-йилга қадар ҳар бир оилани уй-жой билан таъминлаш программасига мувофиқ республикамизда, шу жумладан қишлоқларда катта ҳажмда турар жойлар барпо этилиши белгиланган. Уларнинг учдан бир қисми, яъни 73 миллион квадрат метрдан ортиғи якка тартибда уй-жой қурувчилар ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирча ана шу режаларнинг бажарилиши яхши бормаяпти. Ун иккинчи беш йилликда аҳоли маблағлари ҳисобига 19 миллион квадрат метр турар-жой қурилиши лозим. Бу кўрсаткич ҳозиргача 5,5 миллион квадрат метрдан ошмади. Бунга юқорида таъкидлаганимиздек, бир қатор нуқсонлар сабаб бўлмоқда. Эндиликда мутасадди идоралар шахсий уй-жой қурилиши юзасидан бўлган барча чеклашлардан тезроқ халос бўлишлари зарур. Энг муҳими — одамларга ер майдони ажратишни пайсалга солмаслик, бу борадаги барча имкониятлардан фойдаланиш лозим. Аммо қуруқ ер билан иш битмайди. Қишлоқ аҳолисига иморат солиш учун давлат томонидан қарз беришни (ҳозир жуда кўплаб оилалар бунга муҳтож) ва қурилиш материаллари таъминотини пухта йўлга қўйиш лозим. Акс ҳолда кўзда тутилган режалар қоғозда қолиб кетаверади.

Колхоз ва совхозларнинг якка тартибда уй-жойлар қурилаётган посёлкаларида шаҳарлардаги каби болалар майдончалари, маданий-маиший бинолар учун жойлар ажратилиши лозим.

Мурод КАЛОНХОНОВ.

Сафарбой ўпкасини қўлтиқлаб бекатга етиб келганида уч-тўрт йўловчи бамайлихотир гаплашиб ўтиришарди.

— Хайрият-э, — деб юборди у баралла. — Кеч қолмабман. — Кейин соатига қаради. Еттидан ўтибди. Автобус келишига яна 24 дақиқа қолган эди.

Орадан сал кечмай йўловчилар сафи яна беш-олти кишига кўпайди. Гурунг бошланиб, автобус келиши муддати анча ўтиб кетганини ҳам сезмай қолишди. Улардан бири соатига қараб:

— Уф-ф, — деб юборди бирдан. — Эски касали яна тутибди-ку.

— Вақтидан бир ярим соат ўтиб кетибди, энди келмайди, — деди бир йўловчи ўрнидан туриб, — Қишлоққа кетиш ҳаракатини қилаверайлик.

— Иккита графикни қўшган бўлишса керак, келиб қолар.

— Қизиқ экансиз-ку, биродар, — деди бошқаси зарда билан автобус кечикишига худди шу одам сабабчидек,— учинчи графигиям ўтиб кетди.

Кеч кузакнинг куни бир тутам эмасми, Сафарбой бекатга келгандаёқ қош қорайиб қолганди. Ҳозир эса ярим кечадагидек қоронғулик қуюқлашиб кетганди. Бу воқеа Келес автостанцияси — Шредер институти бўйича қатнайдиган автобус маршрутининг Чуқурсой бекатида 21 ноябрида содир бўлди. Шу топда йўловчиларнинг ташвиши, изтироби чексиз эди. Ахир, бекатда икки соатдан ортиқ туришнинг ўзи бўладими? Тўғри, тасодифий ҳол рўй бериб, автобус бир марта кечикиб қолгандир, дейиш мумкин. Аммо бу гапни шу маршрутда қатнайдиган йўловчилар ҳузурида асло айта кўрманг. Нақ балога қоласиз. Чунки кунда, кунора такрорланадиган бу воқеа уларнинг суяк-суягидан ўтиб кетган.

Эҳтимол бундан Келес АТПсидаги раҳбарлар бехабардир, дерсиз. Ундай эмас. Бироқ Қолганлари баҳсни давом эттиришарди.

— Аслида автобусларимизни Тошкентдаги 3-автопаркдан Келес АТПсига ўтказиб расво қилишди. Қайси ақли расодан чиқди экан бу гап?

— Шаҳардаги автобуслар хизмати абонемент системасига ўтди-да.

ИНТИЗОРЛИК ИМТИҲОНИ

ёки автомобиль транспорти ва йўл қурилиши хўжалиги министрлигига мактуб

таъна-дашномлар эшита берганларидан гап ўтмайдиган бўлиб кетишган. Айниқса раҳбарларга рўпара келсангиз, сеҳргарга учрагандек бўласиз. Чунки йўқ ердаги гаплар, ваъдалар билан бошингизни айлантириб, кўзингизни тиндириб юборишадики, ҳудди икки соатлаб автобусга интиқ ўтирганингизда машинага миндириб юборишгандек миннатдорчилик билдириб қўйганингизни сезмай қоласиз.

Йўловчиларнинг бир қисми йўл четига тизилишиб, ўтган машинага қўл кўтара бошлади.

— Бекор гап. 3-автопаркдаги 166, 169, 179-маршрутлар-чи?.

Сафарбой чопонига бурканиб, йўловчилар гапини тинглаб, баъзан ўзича мағзини чақиб ўтирарди. Дарвоқе, 479, 478, 480-машрутларда қатнайдиган автобусларни Келесдаги АТПга ўтказишнинг нима хожати бор экан? 3-автопарк-ку шундоққина маршрутнинг ёнгинасида. Келес АТПсига бориб келгунча озмунча бензин сарфланадими? Ўнтасига, йигирматасига-чи?.. Наҳотки шуни министрликда ўтирган қилни қирқ ёрувчи иқтисодчилар ҳисоблаб чиқмаган бўлишса? Ёки улар кетса давлатники-ку, дейишаётганмикин? Айниқса, ҳайдовчиларни айтмайсизми? АТПга етиб боргунларича бир неча соатлаб вақтлари йўлда ўтмоқда. Иш вақти тугагач, қайтиш машаққати ундан баттар. Шу алфозда хизмат яхшиланадими? Автобусларни олисга қўчириб, ҳам йўловчиларга, ҳам ҳайдовчиларга қийинчилик туғдирганлар шуларни ўйлаб кўришмадимикин? Ана энди ёш болали оналар, ишга ошиққан, ишдан толиқиб чиққан кишилар, кечки ўқув юртларидаги талабалар министрликдаги масъулиятсиз ходимлардан ранжимоқдалар. Қани энди ўша ишбошиларнинг ўзларини олиб келиб бекатда икки соатлаб турғизиб қўйилса!

Сафарбойнинг хаёлини йўловчилардан бири бўлиб юборди.

— Ҳой, ошна, туринг, ўткинчи машинани тўхтатдик. Манзилга етиб олайлик.

Машинада ҳам баҳс тўхтамади. Ҳамманинг фикри бир ердан чиқарди: маршрут 3-автопаркка ўтказилмагунча бу машмаша давом этаверади. Ҳа, андишанинг отини қўрқоқ қўйиб, йўловчиларни қийнай бериш инсофдан эмас.

Шу хаёллар билан Сафарбой манзилга етиб келганини билмади. Машинадан тушгач, соатига қаради. Йигирма беш дақиқалик йўлни салкам уч соатда босиб ўтганди.

Сафарбойнинг таассуротларини оққа кўчирувчи:

П. ЙЎЛЧИЕВ.



НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Уйчи районидаги Ленин номли колхозда ёрдамчи тармоқларни кенгайтиришга катта эътибор берилаяпти. Натижада хўжалик экономикаси мустаҳкамланиб, моддий манфаатдорлик ошиб бораётир. Яқинда бу ерда беданачилик фермаси ташкил этилди. Янги соҳани ривожлантиришда Абдуқаҳҳор Жўраевнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Парваришланган беданалар аҳолига арзон нархда сотилаяпти.

СУРАТЛАРДА: А. Жўраев, фермадаги беданалар.

Б. АЛИМОВ фотолари.

ЯНГИ ЧОЙХОНА

Жомбойлик отахонларнинг қувончи чексиз. Бонси — район марказида шарқона услубдаги «Нуроний» чойхонаси фойдаланишга топширилди. Пайшанбалик моҳир уста Аҳмад Ҳикматовнинг ўймакорлик санъати бино устунларига ажиб кўрк ва жозиба бахш этган.

— Чойхонанинг ишга туширилиши биз — қариялар учун яхши совға бўлди, — дейди Ҳазратқул Ҳамроев. — Бу ерда хизмат кўрсатиш намунали йўлга қўйилган. Айниқса бир пиёла чой устидаги гурунг ва суҳбатларни айтмайсизми! Бизга шундай бинони туҳфа этган «Узкоопстроймонтаж» трести қурувчиларига ташаккур.

Чойхонада телевизор томоша қилиш, шахмат-шашка ўйнаш; газета, журналларнинг янги сонларини ўқиш мумкин. Бир неча хил миллий таом тайёрланмоқда. Одил Баротов, Ўктам Сафаров, Шуҳрат Шарипов каби пазандалар хизматидан хўрандалар мамнун.

А. НУРБОЕВ.

Турли касб эгалари

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Акрамжон ишдан одатдагидан анча кеч қайтди. Турмуш ўртоғи Патилахон қозондаги овқатни сузмай кутиб ўтирган экан. У эрининг юзидаги сўлғинликни кўриб, бугунги иш осон бўлмаганлигини пайқади.

— Ҳорманг, дадаси, яхши келдингизми?

— Раҳмат. Кеча ўт олиб кетган трансформаторни алмаштирдик. Жуда чарчадим.

Отанинг овозини эшитган болалар ичкаридан югуриб чиқишиб, навбат билан салом беришди. Шу пайт эшик қўнғироғи устмаруст жиринглади. Учоқ бошига бораётган Патилахон норози қиёфада орқасига ўгирилди: «Ким бўлдийкин?»

Акрамжон жадаллаб ташқаригa чиқди. Дарвоза ёнида қўшни маҳаллада яшовчи Солижон аканинг ўғли турарди.

— Хўш, Ҳомиджон, тинчликми?

— Дадам илтимос қилдилар. Бораркансиз, — деди бола.

— Нима бўлди, чироқ ёнмаяптими?

— Ҳа, толни кесган эдик, сим узилиб қолди.

— Яхши. Ҳозир...

Ҳиял ўтмай у чақирилган жойга етиб келди. Эҳтиёт чораларини кўриб, узилган симни улади. Ҳовлидаги қоронғулик бир зумда чекинди, ҳаммаёқ нурафшон бўлиб кетди. Оила аъзолари ишчан электромонтёрга қайта-қайта раҳмат айтиб, дастурхонга таклиф этишди.

Ҳа, Акрамжон Тешабоев ана шундай бағри кенг, меҳнатсевар инсон. Гарчанд у район электр тармоқлари идорасида ишласа ҳам ёрдам сўраб келган кишиларни ноумид қайтармайди. Аслида Қўрғонтепа шаҳар территориясидаги хонадонларга район коммунал хўжалиги бўлими монтёрлари хизмат кўрсатиши керак. Лекин зарурат туғилганда А. Тешабоев бу менинг ишим эмас, деб қараб турмайди. Ҳамиша эл-юрт хизматига тайёр.

— Акрамжон ака тажрибали ходимларимиздан саналади, — дейди Қўрғонтепа район электр тармоқлари идораси бошлиғининг ўринбосари О. Маматов. — У қандай топшириқ бўлмасин, кўнгилдагидек уддалайди. Мана йигирма йилдирки, ҳалол меҳнат қилиб, касбини шарафлаб келмоқда. У кўпгина ёшларнинг мураббийсидир.

С. ИСМОИЛОВ.

Механизатор мулоҳаза юритади

АГРЕГАТГА ЙЎЛ БЕРИНГ

Кўп йиллардан бери юқори унум билан ишлайдиган, пахтани тоза терадиган мукаммал машина яратиш ҳақидаги ваъдаларни эшитамиз. Афсус, ҳозирча бу ширин орзу бўлиб қолмоқда. Телевидение кўрсатувларида олим ва конструкторларимизнинг изланишлари тўғрисида тез-тез ҳикоя қилинади. Бу ҳақда радио эшиттиришларида гапирилаяпти, газета ва журналларда ёзилаяпти. Лекин кутилган натижадан ҳамон дарак йўқ.

Касбим тақозосига кўра йиғим-теримни механизациялаштириш билан бевосита боғлиқ янгиликларни кузатиб бораман. Бундан бир неча йил аввал ХН-3,6 терим агрегати яратилган эди. Унинг кейинги тақдири ҳақида эса ҳеч нарса билмаймиз. Менинг ана шу машинанинг дастлабки намуналаридан бирини синовдан ўтказганман. Барги сифатли тўкилган ғўза ҳосилини ерга тўкмасдан тоза териши, юқори унуми билан ўзига ром этган эди. Албатта, ХН-3,6 камчиликлардан ҳоли эмас. Тўрт эгатдаги ҳосилни терадиган агрегат тақилган МТЗ-50 трактори хийла камқувват эди. Бу ҳақда бошқа механизаторлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилганлар. Шунга қарамасдан машинани такомиллаштириш юзасидан етарли иш қилинмади. Хўш, нима учун? Йиғим-теримни механизациялаш билан боғлиқ ҳар бир янгилик ва имкониятдан фойдаланиш бурчимиз эмасми?

Бундан олти йил муқаддам совхозимиз марказий ремонт устахонасида туриб қолган ХН-3,6 агрегатини МТЗ-80 тракторига тақдим. Ўша йили бригадамиз далаларида етиштирилган ҳосилнинг 90 фоизини қайта «туғилган» ХН-3,6 агрегати билан териб олганман. Бултурги натижа ҳам чакки эмас. Янги ўзлаштирилган 60 гектар майдонда «Термиз-14» навли ипак пахта етиштирдик. Ҳар гектардан пландаги 28 центнер ўрнига 30 центнердан хирмон кўтардик. Давлатга сотилган 180 тонна пахтанинг 175 тоннасини ўзим ХН-3,6 бункеридан тўкканман. Мавсумда 267 тонна оқ олтин терганлигим учун совхоз 400 сўм мукофот пули берди. Бу йил машина теримини 20 сентябрдан бошладик. Шоғирдим Худойқул Пирназаров билан биргаликда йигирма кунда 180 тонна ипак пахта тердик. Мавсум муваффақиятли якунланди.

Чавандоз кўпкарига кириб ўртадан улоқ айирса, кўнгли тоғдек ўсади. Механизаторлар ҳам мисоли чавандоз. У зангори кемаси билан оқ олтин денгизига кирдими, бункерлар баракали бўлаверса, кучига куч қўшилади. Чарчоқни ҳам сезмайди. 22 йилдан буён машинада пахта тераман. Лекин ҳеч бир агрегатда ўзимни ХН-3,6 дагидек енгил, эркин ҳис этмаганман. Ҳатто чаноқлардаги энг сўнгги мисқолларгача бункерга тушади. Агрегат ўз афзаллигини намоён этаётган экан, нега энди бундан кўз юмиш керак?

Бу йил хўжалигимиз далаларида қайта «туғилган» учта ХН-3,6 агрегати ишлади. Улар ёрдамида кунига 35—50 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Кўриниб турибдики, ҳар бир машина икки агрегатнинг ишини бажарган. 90 та икки қаторли машина МТЗ-80 тракторига тақилди. Мен бошқараётган тўрт қаторли агрегат билан икки қаторли агрегатда ёнилғи сарфи бир хил. Лекин иш унуми турлича. Сирасини айтганда, хўжалигимиз учун 45 та тўрт қаторли терим агрегати кифоя. Механик-ҳайдовчилар сонини тенг ярмига қисқартириб, улардан бошқа ишларда фойдаланиш мумкин. Тўлиқ хўжалик ҳисоби ҳамда ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида бундай иш тутиш иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик лозим.

Фикримча, ХН-3,6 агрегатининг имкониятлари катта. Буни мардона тан олиш, унга кенг йўл очиш лозим.

Холмурод ҒОФУРОВ,
Гагарин районидаги «Партия XXIV съезди» совхози механизатори, Меҳнат шуҳрати орденларининг тўлиқ нишондори.

Пахтакор меҳнати ҳақида ўйлар

БИР ТУП ҒЎЗА УЧ ТИЙИН...

Буни эшитиб ҳайрон қолсангиз керак: «Ростми шу гап?» Булоқдан отилиб чиққан минерал сув шиша идишга солиниб, ҳар стакани уч тийиндан сотилади. Хўш, пахта-чи? Ҳисоблаб кўринг: бир гектарда 100 минг туп ғўза бўлиб, 40 центнердан ҳосил берса, бир гектар ердан 3 минг сўм даромад ва ҳар туп ғўзадан 40 грамм пахта олинса, шунда бир туп ғўзанинг баҳоси уч тийинга тўғри келади. Стакандаги сувни сепиб юбориш ҳеч гап эмас. Бир туп ғўзани қасддан чопган киши уйқусида босинқираб чиқади. Ахир унга ҳазилакам меҳнат сарф бўлганми?

Бозорга кирганда одам галати ҳолатга тушади. Гўштнинг килоси 6 сўм, картошка, сабзи, пиёз 1 сўмдан, яхши узум — 2 сўм. Селитра солиб семиртирилган қовун-тарвузлар ҳам килоси 50—60 тийиндан сотилмоқда. Пахтанинг бир килограмми эса ярим сўм. Бу бор гап.

Келинг, полизчи билан пахтакорнинг меҳнатини бир чоғиштириб кўрайлик. Икки квадрат метр жойдаги тарвуз палаги ўртача 30 килограмм ҳосил беради ва бу ҳеч бўлмаганда 12 сўмга сотилади. Баҳолар ҳам турли-туман: давлат баҳоси, кооперативлар баҳоси, бозор баҳоси... Худди шунча майдондаги йигирма туп ғўза эса 800 грамм пахта беради. Баҳоси 50 тийинга ҳам бормайди. Энди ўйлаб кўринг: полизчининг меҳнати қаёқда-ю, пахтакорнинг меҳнати қаёқда?! Полизчи ҳаммаси бўлиб юз кун ишлайди. Пахтакор-чи?! Йил-ўн икки ой. Қани мантиқ? Бунинг устига тарвуз билан пахтанинг ҳаражати ўртасида катта фарқ бор. Ўғит, техника, ёнилғи, уруғ дегани қимматлашиб бораётган бўлса... Картошка билан солиштирсангиз баттар таажжубланасиз. Бир тип картошка ками билан 1 сўм даромад бериб турганда ғўзанинг ҳар тупидан 3 тийин даромад олиш кишига алам қилмайдими?

Эсимда, катта бир шаҳарда пахтадан тўқилган кўйлак учун навбатда туришга тўғри келган эди. Шунда харидорлардан биттаси бизга теккизиб: «Кўзбўямачилик билан эмас, пахта етиштириш билан шуғулланишганда бунақа бўлмасмиди», деб қолди. Ёнимдаги шеригимнинг аччиғи чиқди. Пахтакор меҳнатини билмаган кишилардан ана шундай гапни эшитиш оғир, албатта. Лекин тилни боғлаб бўладими? Ҳамма дунёни ўз қаричи билан ўлчайди.

...Пахтакорим, сенга сабот берсин. Ғалвир сувдан кўтариладиган дамлар келди. Пахтангни сен фахринг, орномусинг деб биласан. Бугунми-эртами, меҳнатингга яраша қадр-қиммат топишинг, меҳнатингга яраша даромад олишинг аниқ.

М. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

ИНҚИЛОБ ҚУЙЧИСИГА БАҒИШЛАНДИ

Пахтаобод районидаги 10-мактаб ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг область бўлими куч-ғайратлари билан адабий кеча ташкил этилди. Кеча ўзбек совет адабиёти ва театри асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланди. Унда фақат ўқувчилар эмас, уларнинг ота-оналари, теварак-атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси ҳам қатнашди.

Кечада шоирлар О. Холдор, У. Шукуров, ёзувчилар А. Ҳамроқулов, Х. Каримов меҳмон бўлишди. Улар революция қуйчисининг кўп қиррали истеъдоди — шеърият ва драматургия соҳасидаги фаолияти ҳақида ,ўзбек совет адабиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси тўғрисида гапирдилар, ўзларининг Ҳамзага бағишланган асарларидан ўқидилар.

Кечада ўқувчилар Ҳамза асари асосида ўз кучлари билан тайёрланган театрлашган композицияни намойиш этишди. «Москва» колхозида ташкил этилган «Ортиш» ўйғур ансамблининг концертлари кеча қатнашчиларни учун кутилмаган совға бўлди. Улар ўзлари билан замонавий куйлар қатори Ҳамза шеърларига ёзилган қўшиқлардан тузилган программани олиб келишди.

КУТУБХОНА — УҚУВЧИЛАРГА

Нодира номли Наманган область кутубхонасида «Наманган области ҳақида янги адабиётлар» номи билан доимий ахборот китобчаси чиқарила бошлади.

— Сўнгги вақтларда ўқувчиларнинг бадиий адабиётга, жонажон ўлканинг тарихи ва бугунги куни ҳақидаги публицистик асарларга, газета ва журналларда босилган мақолаларга қизиқиши жуда кучайиб кетди, — дейди библиография бўлими мудири З. Исмоилова. — Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган нашрларни тезроқ топишларида ёрдам бериш мақсадида ана шу китобчани чиқараяпмиз ва уни муттасил равишда янгилаб бораяпмиз.

Ўқувчилар эҳтиёжини янада тўла ва тез қондириш учун кутубхона ходимлари бу китобчадан ташқари махсус картотека ҳам тайёрладилар. Унда янги китоблар ҳақидаги маълумотлар тўпланади. Янги нашрларнинг кўргазмаси муттасил равишда ташкил этилмоқда.

Иш юритишнинг бундай усулини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки кейинги пайтда китобхонлар сони қариб 10 минг кишига, кутубхонадаги бадиий адабиёт фонди эса 430 минг нусхага етди.

МУЗИКА БАЙРАМИ

Фарғонадаги тўқимачилар маданият саройи ва санъат билим юрти концерт зали гумбазлари остида тўрт кун давомида музика янгради. Бу ерда Ленин комсомолининг 70 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ жаз музикаси фестивали бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг Минск, Одесса, Донецк, Душанбе, Чимкент, Навоий, Тошкент, Чкаловск, Ленинобод шаҳарларидан келган юздан ортиқ профессионал ва ҳаваскор ижрочилар қатнашдилар.

— Ҳозирги фестиваль, — деди москвалик музикашунос, жаз музикаси халқаро федерациясининг аъзоси Георгий Бахчиев, — ана шу энг оммавий музика жанри ижодий кучларя ва ютуқларининг кўригигина бўлиб қолмай, айни вақтда ижрочи музикачилар авлоди давомийлигининг ўзига хос намойишига айланди. Фарғонада биринчи жаз байрами ўтказилганига ўн йил бўлди. Ана шу даврда кўплаб истеъдодли ижрочилар ва коллективлар юзага келди.

Мутахассислар Навоийдан келган жаз оркестрига, Фарғонанинг «Сато» жаз клубига, донецклик музикачи Валерий Колесниковга юксак баҳо беришди.

Фестивалнинг барча қатнашчилари эсдалик фахрий ёрлиқлари билан муко-фотландилар.

Бувайда районидаги Калинин номли колхозда маданий-маиший қурилишларга катта эътибор берилаяпти. Яқинда фойдаланишга топширилган 240 ўринли болалар боғчасида кичкинтойларнинг ҳар жиҳатдан камол топишлари учун барча шароит яратилган.

СУРАТЛАРДА: колхоз йўлланмаси билан педагогика билим юртида таълим олган тарбиячи Маҳбуба Султонова. 2. Алоҳида автобус ажратилгани болаларни тарбия масканига олиб келишда қулайлик туғдирди.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ фотолари.

Ҳабиб ТЕМИРОВ

МАСЖИДНИНГ УСТУНИ

ҲИКОЯ

— Сизнингча, маданий ёдгорликларни тиклаш ўтмишни идеаллаштириш экан-да, — дея луқма ташлади ўрнидан туриб Муродуллаев. — У ҳолда битта кетмон олинг-да, Самарқандга бориб Регистонни, Шоҳи Зиндани, Гўриамирни бузинг, Бухоро, Хива ёдгорликларини вайрон этинг!

— Жим, ўртоқ Муродуллаев, нотиқнинг нутқини бўлманг! Гапингизни навбат келса гапирасиз, — деди Ҳилола Мақсудовна қўлидаги қаламни пиёлага уриб. — Давом этинг, ўртоқ Турғунов.

— Мана, ўртоқ секретарь, ўзингиз кўриб турибсиз. Бу йигит одамни провокация қилишдан ҳам тоймайди. Бўлмаса Регистон, Шоҳи Зинда қаёқдаю Чашмизиракдаги вайрона бир масжид қаёқда. Фаросати бор одам тушуниши керак. Масжид — бевосита динни тарғиб этувчи жой. Диннинг идеологик маркази. Тўғри, ҳозир бизда динга ишонувчилар йўқ ҳисоби. Бу ҳақда, Ҳилола Мақсудовна, сизнинг «Ойдин йўл» газетасидаги мақолангизда тўғри таъкидланган. Лекин ўйлаб кўринглар, ўртоқлар, биносини тиклаб қўйсак, унинг тарғибот маркази сифатидаги моҳияти тикланмаслигига ким кафолат беради? Айниқса мана бу укамиздек ёш коммунистлар «эътиқод эркинлиги, ғоявий ишонч ихтиёрий» деган гапларни тўтидек такрорлаб турган бир пайтда. Хўш, айтингларчи, фикрим нотўғримми?

Турғунов нутқини тамомлаб, терлаган қорамтир йўғон бўйнини охорли рўмолча билан артди. Минбар, тўғрироғи, стол устига ўрнатилган кичкина минбарча ёнига Муродуллаев чиқди. Ҳилола Мақсудовна ориққина, кўримсиз бу болага биринчи бор кўраётгандек синчиклаб тикилди. Оддий қишлоқ боласи. Рус тилини ҳам унча яхши билмайди. Райком бюросида партияга қабул қилаётганларида бунинг учун койиш эшитган. Бўйинбоғ тақмай келганини қаранг. Ёз бўлсаям, ҳар ҳолда... йиғилиш бўлишини билган-ку. Умуман физика ўқитувчисининг тарихий ёдгорлик, музей деган нарсалар билан шуғулланиб юргани ҳам қизиқ. Ёки Турғунов айтганидек... Эҳтимол, бу бола чет эл радиостанциялари эшиттиришларини тингларг? Шуларнинг бемаъни таъсирига берилдими? Тунов куни семинарда тўғри айтилди: сиёсий тарбияда танаффус бўлиши мумкин эмас. Ғоявий душманларимиз ёшларимиз онгини заҳарлашни бош мақсад қилиб олишган. Гарчи бироз мижғов бўлса ҳам Турғуновдек одамлар жуда керак. Улар ҳамма масалада ҳақ бўлиб чиқавермайдилар, албатта. Бироқ ҳушёрликларидан, инжиқликларидан оқилона фойдаланиш мумкин ва зарур.

— Мен яхши ният билан айтган гапим бунчалик тус олиб кетади, деб ўйламагандим, Ҳилола Мақсудовна. Агар адашган бўлсам, ёшлигимни, ғўрлигимни ҳисобга олиб кечирарсизлар, деб умид қиламан. Яқиндагина катта ишонч билдириб партия сафига қабул қилганликларингиз мен учун катта бахт. Масжид масаласига келганда, мен унинг гўзал, бетакрор биносини таъмирлаб, юртимиз тарихини ўрганиш музейига айлантирсак, дегандим. Бобомнинг ҳикоя қилишига қараганда, масжид биноси воҳадаги энг баланд, энг қўркам бино бўлган экан. Уни Регистондаги Шердор мадрасаси қурилишида қатнашган ҳамқишлоғимиз, қарангки, номи унутилиб кетган, лойиҳалаган, умумхалқ ҳашарига бош бўлиб қурган эди. Чашмизиракликлар бу бино билан фахрланишаркан. Динга ишонганлар ҳам, ишонмаганлар ҳам бу муҳташам бинога иззат-икром бажо келтиришган. Инқилобдан олдин унда фақат намоз ўқиш эмас, болаларга савод ўргатиш билан шуғулланилган. Ахир, қишлоғимиздаги илк совет мактаби ҳам шу масжид биносида иш бошлаган. Бу — тарихий далил. Турғунов билан мунозарамизнинг эса масжид биносига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мен ўзим динга ишонмайман. Эътиқод эркинлиги ҳақидаги баҳс Эшпўлат чўпоннинг гапидан чиқди...

Ҳилола Мақсудовнанинг юраги «зирқ» этиб кетди. Эшпўлатнинг нима алоқаси бор? Болалари нечта бўлди экан? Хотинининг исмиям ғалати: Бувиш. Тўлиғи қанақа экан: Бувинорми? Буврама? Бувигул? Ёйилма тарафдан тушган дейишади. Бир кўрганди. Қорамғиз. Калта. Тиқмачоқдек. Қўйнинг қатиғини ичиб семирган-да чўпоннинг кампири.

— ...Эшпўлат ака «Одамларда инсоф, имон-эътиқод қолмади. Ҳатто масжиднинг устунини ўғирлашдан ҳам қўрқишмайди. Қиёматнинг яқинлашгани шу», деганди...

— Нима, Эшпўлат чўпон худога ишонадими, у коммунист-ку, — деди Ҳилола Мақсудовна нотиқнинг сўзини бўлиб.

— Йўқ, шунчаки киноя қилиб айтди. У одамнинг ўзи гапириши шунақа. Устози Ҳаким чўпондан мерос қолган. Масхаралаб гапиради. Лекин «одамларда инсоф қолмади» деган гапи жуда тўғри. Айрим одамларда инсоф қолмагани рост. Ахир, масжидми, колхознинг молхонасими — барибир ёғочини ташиб кетиш ўғрилик, ноинсофлик. Мен чўпоннинг гапини маъқулладим. Шундан кейин тортишиб қолдик. Мен кишида эътиқод бўлиши керак, деганимда диний эътиқодни назарда тутганим йўқ. Умуман эътиқодни — ҳалолликка, ҳақиқатга эътиқодни назарда тутдим. Диний эътиқод масаласига келганда ўртоқ Турғунов хотиржам бўлаверсин. Бизнинг авлод одамлари учун худо ўлган. Уни тирилтириш, диний эътиқодни тиклаш мумкин эмас. Масжидни эса тиклаш мумкин. Одамлар инсофга келишса, ўғирлаб кетилган устунлар, тошлар қайтариб олиб келинса, унинг қаддини ростлаш мумкин. Аммо масжидни тиклаган билан, унинг ёнига яна ўнта масжид қурган билан диний эътиқод тикланиб қолмайди. Бу бекор гап...

Ҳилола Мақсудовна тунов куни семинарда эшитган гаплари билан бу «билағон атеистча»ни мот қилиб ташлагиси келди.

— Шошманг, шошманг. Аввало вайрон бўлиб кетган масжидни тиклаш ҳақидаги гапингиз ажабтовур. Сизнингча, уни фақат ўғирлаб кетилган устунлари, тошлари билан тиклаш керак эмиш. Уша устунлар чириб, тошлар уваланиб кетган бўлсачи? Иккинчидан, динни тирилтириш мумкин эмас, деяпсиз. Жудаям шошилмаяпсизми динни ўлдига чиқаришга? Сиз партия ҳужжатларини ўқимайсиз, шекилли. Ислом омилининг тиқодга ҳам, ислом омилига ҳам алоқаси йўқ. Майли, масжидни бузиб текислаб ташлайлик. Лекин шундай бир бино қурайликки, у қишлоқдаги ҳамма бинолардан, Назарқул аканинг кошонасидан ҳам баланд, чиройли бўлсин. Унда чашмизиракликларнинг тарихи, маданияти акс этган музей жойлашсин. Бундай бино қуриш осон эмас. Масжид биносини тиклаш эса арзонга тушади. Ҳашар қилсак, бирикки ойда асл ҳолига келтириш мумкин, дегандим. Кейин музей учун тарихий бино бўлса янаям яхши, деган фикрга боргандим. Ўртоқлар, тарихимизни билайлик, ахир! Қишлоғимиз буюк Илак йўлининг энг катта бекатларидан бири бўлган. Македонскийга, Чингизхонга қарши жангларни кўрган. Қанча халқ оқинлари етишиб чиққан. Достончилик мактаби бўлган бу ерда. Нега тушунишни истамайсизлар? Нега гапни бошқа томонларга бурасиз, ўртоқ Турғунов?

Ҳилола Мақсудовна Муродуллаевнинг йиғламсираган юзига қараб бирдан меҳри товланиб кетди. «Дурустгина йигит экан-ку. Мулоҳазали, андишали. Билими чуқур, дунёқараши кенглиги сезилиб турибди. Вақти билан тарғибот бўлимига ишга олиш керак. Бундай билимли, зийрак йигитларни қанотининг остига тортган одамнинг мартабаси знёд бўладики, кам бўлмайди. Бу боланинг яхши фазилати билимдонлигини пеш қилмаслиги экан. Камтар. Бундай одамлар билими қанча кенгайса, боши шунча эгилиб бораверади. Мансаб деб юқорига сапчийвермайди. Узини кўрсатишга уринмайди. Бундайлар билан яхши ишлаш мумкин. Тарғибот бўлимининг мудирига ўхшаганлар эса бўлар-бўлмасга ақл ўргатишга уринишади. Кошки шунга яраша билимли бўлса».

Ҳилола Мақсудовна ҳар қандай одамнинг феъл-атворини бир марта суҳбатлашгандаёқ билиб олиш мумкин, деб ишонарди. Узи ҳозирча бу борада янглишган эмасди. Шу боисдан ҳам Муродуллаевни райкомга ишга олишни кўнглига қатъий тугиб қўйди. Ҳозирги мунозаранн эса унинг фойдасига ҳал қилиш мумкин эмас. Баъзи гапларида жон бор. Лекин умуман олганда масалага ёндашуви нотўғри. Кейин, Муродуллаевга салгина ён босса, Турғунов юқорироққа ҳам арз қилиши мумкин. Эҳтиёт бўлиш керак. Ё тавба, Эшпўлат аралашгани қизиқ бўлди. Қаерга борса таъқиб қилади бу Эшпўлатнинг ўйи. Нима бало, ўшанда севганмиди Ҳилола ҳам? Севган-у, тан олишга бўйни ёр бермаганми? Ким билсин. Йўғ-е, шунчаки хотирлайдиган бошқа одамнг бўлмагандан кейин бот-бот ёдга тушаверар экан-да. Яна бунақа қилиб эсга солиб туришса. Қизиғи шуки, Эшпўлатни эсласа кўнгли ёришади, кайфияти кўтарилиб, раҳмдил, мушфиқ бўлиб қолади. Аввллари жаҳли чиқарди. Энди йўқ. Қарияптими? Ёшлик хотиралари энди қадрли, ширин бўлиб қолдими?

У мунозарани чўзмаслик учун бошқаларга сўз бериб ўтирмади. Узи йиғилишни якунлади.

— Ҳамммаси тушунарли, ўртоқлар. Очиғини айтсам, бу ерга жуда ёмон кайфиятда келувдим. Аризабозлик. Ғалва. Атеистик тарбия бўшашиб кетган. Коллективда носоғлом муҳит вужудга келган, деган тасаввурда эдим. Мунозара сабабчиларининг сўзларини эшитиб фикрим ўзгарди. Хурсанд бўлдим, ўртоқлар, Аввало Инқилоб Турғунович, сизнинг сергаклигингиз, жонкуярлигингиз мени хурсанд қилди. Ёш коммунистимизнинг ғоявий иккиланишларини ўз вақтида илғагансиз. Уни тўғри йўлга солишни бурчингиз, деб ҳисоблагансиз. Катта раҳмат сизга! Райком сиздек ветеранларга суянади.

Муродуллаевнинг маданий мерос ҳақидаги гапларида жон борлигини сизлар ҳам сезиб турган бўлсангиз керак. Аммо бу диннинг зарарли таъсирини, ислом омилини иккор қилиш, атеистик тарғиботни сусайтириш ҳуқуқини бермайди сираям. Тушунинг, ука, биз ўқувчиларда илмий-атеистик дунёқарашни шакллантириш учун қаттиқ курош олиб боришимиз ва бу курашнинг олдинги сафида сиз — ёш коммунист ўқитувчилар туришингиз керак. Маданий мерос масаласидаги фикрларингиз умуман тўғри. Аммо динни меросга аралаштириб юбориб, айрим ўринларда хато қилаяпмиз. Буни ўзингиз ҳам сезиб турибсиз. Грузин киносидаги, мен ҳам кўрганман у кинони, асосий ғоя — шахсга сиғинишни қоралаш, ўшандаги «Масжидга элтмайдиган кўча— кўча эмас» деган кампир салбий образ, албатта. Ахир, ўша гапнинг ўзи ғирт мантиқсиз. Ҳамма кўча бир жойга элтадиган бўлса...

Умуман юртимиз тарихи, маданияти ҳақида қайғурганингиз яхши. Музей масаласини биз албатта ҳисобга оламиз. Сизнинг ҳам, — Ҳилола Мақсудовна жилмайди, — кучғайратингиз керак бўлади. Охирги масала — масжидга келадиган бўлсак, уни тиклашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Сиз айтгандек, эҳтимол, уни осонроқ тиклаб, музей ўрнида фойдаланса бўларди. Аммо осонроқ тиклаш учун ҳам, ўзингиз айтгандек, унинг устунлари, тошларини йиғиштириб келиш керак экан. — Ҳилола Мақсудовна енгил киноя қилиб яна жилмайди. — Уларни йиғиштириб келиш учун ўша сиз айтган биттаккита ноинсофнинг уйи пойдеворини кўпориш, молхонасининг томини ағдариш шартмикан? Бунда қани адолат? Бировнинг томини ағдарган одамнинг ўзи ноинсоф бўлиб қолмайдими?

Муродуллаев кинояни сезди шекилли, чидаб туролмади. Мулойимгина қилиб луқма ташлади:

— Кечирасиз, опа, ноинсофлик биносини ағдармасдан, ундаги пок тошларни, устунларни кўпориб олиб, ўз жойига қайтариб ўрнатмасдан туриб адолатни тиклаб бўлмайди-ку менимча.

Ҳилола Мақсудовна гапиришдан тўхтаб, йиғитнинг луқмасини охиригача эшитди. Кейин гапини жиддий давом эттирди.

— Ҳамма гап — адолат нимаю қабоҳат нима — аниқ билиб олишда. Адолат сиз тикламоқчи бўлаётган масжид биноси эмас. Адолат сиз айтган масжидлардан минг поғона баланд туради. Қолаверса, уни тўртта устуну бешта соғона тош билан тиклашмайди. Биз уни ҳар қадамда, ҳар бир жабҳада, лоақал мана шу йиғилишда тиклаб боришимиз керак. Худди шундай қилаяпмиз ва келгусида ҳам шундай бўлади.

Ҳилола Мақсудовна шу гапидан кейин умумий вазифаларга ўтиб нутқини якунламоқчи, йиғилишни ёпиб, мактаб коллективига келгусидаги ишларида катта муваффақиятлар тилаб, яхши кайфиятда районга қайтиб кетмоқчи эди. Аммо Муродуллаев — боягина юввош кўринган, икки гапининг бирида «кечиринглар» деб турган йигит — яна қовун тушириб қўйди.

— Мен барибир ўз фикримда қоламан. Турғунликнинг биноси биз илгари муқаддас деб билган, лекин бора-бора эътиборсиз қолдирганимиз сабабли бузилган, вайрон бўлган иморат устунлари, тошларини юлибюлқаб, ўғирлаб олиб келиб қурилган адолатсиз бино, худбинликни, манфаатпарастликни, сохталикни ифодаловчи бино. Биз адолатни, ҳақиқатни тикламоқчи эканмиз, ўша адолатсизлик биноларини бузишимиз, уларга ноҳақ ўрнатилган устунларни, тошларни жойига қайтаришимиз керак. Айтиб қўяй: бу гапимнинг масжидга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мен умуман кечаги, бугунги ва эртанги кун бинолари ҳақида гапирдим. Хонаси келиб қолгани учун.

Муродуллаев ўрнидан турдию сурбетлик билан худди шундай деди. Бу сафар ақалли «кечирасизлар» ҳам демади.

Ҳилола Мақсудовна беихтиёр соатига қаради. Йиғилиш бошланганидан бериб бир соат ҳам ўтмапти. Ҳали вақт кўп. Кейин бир лаҳза ўйга толди. Саросимага тушди, иккиланди. Ғалати эканку бу бола. Мен уни райкомга оламан, деб ўтирибман-а. Наҳотки янглишдим? Камтар, камсуқум бўлиб кўринганди-ку. Ё асаби чатоқмикан? Ҳозирги ёшлар онасининг қорнидан асабий бўлиб туғилишаяпти. Сеники маъқул десанг, хўп, номаъқул десанг ёқанга ёпишади. Беандиша. Фикрингда қолмоқчи экансан, йиғилишдан кейин секин келиб, ётиғи билан айтмайсанми?

Ҳилола Мақсудовна дарҳол ўзини ўнглаб олди. Саросимаси чекинди.

— Мен ҳам ўз фикримда қоламан, — деди у ингичка қошларини чимириб йигитга совуқ тикиларкан. — Яъни, сизнинг гапларингизни мутлақо нотўғри, деб ҳисоблайман. Ғоявий зарарли қарашларингизга мактаб бошланғич партия ташкилоти, коммунистлар ўзларининг холис, принципиал баҳоларини берадилар, деб ишонаман. Энди сўзни бошланғич партия ташкилоти секретаридан эшитамиз. Тайёрлансин мактаб директори ўртоқ...

Йиғилиш қайтадан бошланди.

[Бошы газетанинг 289-сонида]

СПОРТ ахбороти

ХОККЕЙ

Маълумки, ҳар йили декабрь ўрталарида «Известия» газетаси совринни учун шайбали хоккей бўйича анъанавий халқаро мусобақа ўтказилади. Унда ер юзидаги энг кучли терма командалар қатнашадилар. Бу йилги баҳсларда ҳам одатга кўра беш мамлакат хоккейчилари ғолиблик учун курашдилар. Булар СССР, Швеция, Чехословакия, Канада, Финляндия терма командаларидир.

Анъанавий мусобақа қизғин кураш остида ўтди. Хоккейчилар газета совринини қўлга киритиш учун астойдил баҳслашдилар. Улар орасида СССР спортчилари айниқса яхши ўйнашди. Улар ўтказилган тўрт учрашувнинг барчасини ғалаба билан якунладилар. Чехословакия терма командаси билан бўлган охирги матчда ҳам хоккейчиларимиз йирик ҳисобда зафар қучишди — 6:1. Шайбаларнинг иккитасини Хомутов, қолганларини Биков, Константинов, Макаров ва Хмилев киритишди.

Иккинчи ўринни тўрт учрашувнинг учтасини ютиб, биттасини бой берган жаҳон чемпионлари — Швеция хоккейчиларн эгалладилар. Учинчи ўрин Чехословакия терма командасига насиб этди.

Мусобақа якуни қуйидагича бўлди:

	УЮДМ	Т	О
СССР	4 4 0 0	21—4	8
Швеция	4 3 0 1	10—7	6
ЧССР	4 1 1 2	9—14	3
Канада	4 1 0 3	11—16	2
Финляндия	4 0 1 3	10—20	1

Халқаро мусобақа муносабати билан СССР биринчилигида эълон қилинган танаффус янги йилгача давом этади. Шу орада мамлакатимизнинг кучли командалари чет элларда ўтказиладиган турли учрашувларда қатнашадилар.

ДЗЮДО

Қардош Грузия ССР пойтахти — Тбилисида бўлиб ўтган студентларнинг Х жаҳон команда биринчилиги совет спортчиларининг ғалабаси билан туғади. Бош совринни олиш учун 15 мамлакат вакиллари баҳслашган йирик бу мусобақада вакилларимиз дастлаб Испания терма командасини 5:0, сўнгра АҚШ дзюдочиларини 4:1 ҳисобида енгиб, ярим финалга йўлланма олдилар. Жанубий Корея спортчилари билан бўлган матчда ҳам улар ўз маҳоратларини намойиш этишди — 3:1. Бу ғалаба уларга ҳал қилувчи учрашувда ўйнаш ҳуқуқини берди.

Иккинчи ярим финал баҳсида Франция дзюдочиларнинг омади келди. Натижада бош соврин соҳиби иккала мамлакат командалари ўртасидаги учрашувда аниқланди. Уни 4:1 ҳисобида ўз фойдаларига якунлаган совет дзюдочилари жаҳон биринчилиги ғолиблари бўлишди.

Хотин-қизлар баҳсида эса мамлакатимиз вакилларн учинчи ўринни эгалладилар.

БАСКЕТБОЛ

Спортнинг бу тури бўйича ўтган йилги мамлакат биринчилиги ғолиблари ЦСКА баскетболчилари Европа чемпионлари кубоги мусобақаларида қатнашмоқдалар. Улар кули кеча ўз майдонларида Испаниянинг «Барселона» клубини қабул қилишди. Аммо бу матчда меҳмонларнинг қўли баланд келди. Улар мезбонларни 77:70 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

ЦСКА баскетболчилари келгусида аҳволни яхшилаш имкониятига эгадирлар. Улар бунинг учун қолган учрашувларни ҳужумкорликда ўтказишлари керак.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ РУС ТИЛИ СИРТҚИ МАКТАБИ

«А» дан «Я» гача

ГОРКОМ — шаҳарком (шаҳар комитети).

ГОРЛАН — бақириб гапирадиган одам, бақироқ, шанғи, шавақи.

ГОРЛИЦА — ғуррак, қумри.

ГОРЛОВИК — томоқ доктори.

ГОРМОНАЛЬНИЙ — гормонли, гормонал.

ГОРМЯ — қаттиқ куюнмоқ, ёнмоқ.

ГОРНИСТ — горнчи (горн чалиб сигнал берувчи).

ГОРНИЧНАЯ — ҳужсоч, ходима, уй хизматчиси.

ГОРНОЗАВОДСКИЙ — тоғ-кон саноати.

ГОРНОЗАВОДЧИК — кон саноати корхонасининг эгаси.

ГОРНОЛЫЖНИК — тоғчанғи спорти билан шуғулланувчи спортсмен.

ГОРНОРАБОЧИЙ — тоғ саноати ишчиси, кончи.

ГОРНОСПАСАТЕЛЬ — тоғларда қутқарувчи отряд ишчиси.

ГОРНОСТАЙ — оқсичқон (оқсувсар) ва унинг териси, мўйнаси.

ГОРОДЬБА — ғов, тўсиқ.

ГОРОЖАНИН — шаҳарлик киши, шаҳар кишиси, шаҳарлик.

ГОРООБРАЗОВАНИЕ — тоғ пайдо бўлиши.

ГОРСОВЕТ — шаҳар совети.

ГОРТАНЬ — ҳиқилдоқ, бўғиз.

ГОРЧАК — қакра, талхак, аччиқмия.

ГОРЧИЧНИЦА — горчицадон, горчица идиши.

ГОРШЕЧНИК — кулол.

ГОРШОЧЕК — кичик тувақ, тувакча.

ГОРЮН — ташвишдан боши чиқмайдиган одам.

ГОРЮЧИЙ — аламли кўз ёши.

ГОРЯЧЕЧНЫЙ — иситмали, иситма аралаш.

ГОРЯЧИТЕЛЬНЫЙ — ҳароратни оширадиган, қиздирадиган.

ГОРЯЧНОСТЬ — қизғинлик, қизиқконлик, тезлик.

ГОСТЕПРИИМНА — меҳмондўстона, меҳмондўстлик билан.

ГОСТИТЬ— меҳмон бўлмоқ, меҳмон бўлиб турмоқ.

ГОТОВИТЬ — тайёрламоқ, ҳозирламоқ.

ГОТОВНОСТЬ — тайёрлик, розилик.

ГРАБАРЬ — ер қазувчи.

ГРАБЁЖ — босқинчилик, ўғрилик.

ГРАВЁР — ўймакор, наққош.

ГРАД — дўл.

ГРАДИНА — бир дона дўл.

ГРАДИРОВАТЬ — шўр сувни буғлантириб туз чиқармоқ.

ГРАЖДАНСТВЕННОСТЬ — граждан лик ҳис-туйғуси, ватанга содиқлик.

ГРАЙ — қағиллаш, чуғурлаш.

ГРАМОТЕЙ — хат-саводли одам, саводхон.

ГРАНАТ — анор.

ГРАНДИОЗНОСТЬ —жуда катталик, буюклик, улканлик.

ГРАНИТ — ғранит (ранг-дор, қаттиқ тоғ жинси).

ГРАЧ — ғўнғарға.

ГРЕБЕЦ — эшкакчи, эшкак эшувчи.

ГРЕЗА — ширин хаёл, орзу.

ГРЕЙДЕРИСТ — грейдерчи, грейдер ҳайдовчи.

ГРЕМУЧИЙ — шалдироқ, шақилдоқ, шалдир-шулдир.

ГРЕНА — қурт (ипак қурти) уруғи.

ГРЕНАЖ — ипак қурти уруғини олиш, тайёрлаш.

ГРЕНКИ — қовурилган бурда нон.

ГРЕСТИ — тўпламоқ, йиғиштирмоқ.

ГРЕТЬ — иситмоқ, илитмоқ, қиздирмоқ.

ГРОМ — момақалдироқ, яшин.

ГРОМАДА — улкан (каттакон, ҳайбатли).

ГРОМКОСТЬ — қаттиқлик, баландлик, яхши эшитилиш.

ГРОМОЗДИТЬ — устмаауст қаламоқ, қалаштирмоқ, уймоқ.

ГРОХНУТЬСЯ — гурсиллаб тушмоқ, гуп этиб йиқилмоқ.

ГРУБИЯН — қўрс, тўрс, қўпол, дағал, тўнг.

ГРУДА — тўп, тўплам, қучоқ.

ГРУДАСТЫЙ — кўкракдор, кўкси баланд.

ГРУЗ — оғирлик, оғир нарса.

ГРУЗИЛА — қармоқтош.

ГРУЗНЕТЬ — оғирлашмоқ, оғирлаша бормоқ.

ГРУЗОВЛАДЕЛЕЦ — юк эгаси.

ГРУЗООТПРОВИТЕЛЬ — юк жўнатувчи, юк юборган (шахс, ташкилот).

Редактор А. Ғ. МУХТОРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р — 14305. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 2172. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12